

Қўчкор НОРҚОБИЛ

ДАРАХТЛАРНИНГ МАҲЗУН ҚЎШИҒИ

ДРАМА

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

1. Тошбой – Биология фани ўқитувчisi. 40 - 45 ёшда.
2. Лола – Биология бўйича илмий изланиш олиб бораяпти. 25 ёшда.
3. Қудрат – Тадбиркор. 45 50 ёшда
4. Қултой – Қудратнинг югирдаги. 30 - 35 ёшда.
5. Мастура – врач. 45 да.
6. Маствуранинг ёшлиги. 22 - 23 ёшда.
7. Қудратнинг ёшлиги. 25 ёшда
8. Ҳайдар ота – Қудратнинг отаси. 75 - 80 ёшда.
9. Соли мебелчи – 50 - 55 ёшда.
10. Тўра – ҳокимият вакили. 40 - 45 ёшда.
11. Биринчи Ўзга сайёралик.
12. Иккинчи Ўзга сайёралик.

Воқеа айни кунларда бўлиб ўтмоқда. Барчамизга таниш манзарапар. Нафс гирдобига тушган кимсаларнинг кўзига ҳеч нарса қўринмаслиги ҳақидаги томошамизда албатта, кимлардир ўз қиёфасини таниб олармикан, деган умидимиз ҳам бор. Болиқни, ўзимиз яшаётган тупроқни кулга, атроф - муҳитни қовжираган даҳшатга айлантиришдан тап -тортмайдиган нафс банди ва қурбонлари ўз келажагини таг - томири билан қуритаётганлигини англамаслиги нақадар даҳшат. Хуллас, кўриб томоша қиласиз...

ПРОЛОГ ЎРНИДА РАМЗИЙ САҲНА

Саҳнамиз Она-табиат, яшил борлик, асосан, дарахтларнинг ҳаётимиздаги ўрни, уларнинг тириклик тимсоли эканлигини акс эттирувчи пластик ўйин, ҳатти - ҳаракат билан очилади. Бу ўринда пластик рақс орқали шовуллаган ўрмонлар, борлиқقا тоза ҳаво бериб турган дарахтлар, уларнинг одамзот зулмидан омон қолиш учун қайғулу ҳаракатлари, яшил дунёга қирғин келтиришга чоғланган кимсаларга ялиниб ёлворишлари, хуллас, одамзотнинг зулмкорлигидан қутилиш учун уринишлари ифодаланмоқда. Хуллас, раксда гўё дарахтлар қархисидаги болта тутган, кесишга шай турган одам қавмига ўз қайғу ва ҳасрати, қўркувини изҳор этмоқда. Она табиатга зулм қилма,

оқибати фалокат билан якун топади, деб огохлантироқда ҳам. Пластикадан сўнг ўз саҳнамиз – ҳаёт тарзимизга ўтамиш.

САҲНА

Тоғ олдида жойлашган қишлоқлардан бири. Яланглик. Осмонга бўй чўзган дараҳтзор. Қад тутиб турганига юз эллик йиллардан ҳам кўпроқ вақт бўлган кекса тут, чинор, арча дараҳтларига ҳам кўзимиз тушади.

Хуллас, чиройли, кишини баҳри дилини очгувчи гўзал манзара. Атроф - теварак ёруғ бўлса-да, анча наридаги тепалик усти ва атрофи корая бошлайди. Борлик ёп - ёруғ, негадир мана шу тепалик устини коронғулқ қоплайди. Тепалик устида чақмоқ чақади-да, унинг тевараги ҳам ёришади. Тепалик устида (балки баланд бир чўққи тимсолими, нима бўлганда ҳам режиссёрнинг қарашига боғлиқ), ўша баландликда икки нафар ўзга сайёралик пайдо бўлади. Улар тепадан туриб пастга қарашмоқда.

Биринчи ўзга сайёралик. (*Кўлининг кўрсатгич бармоғини пастликка никтаб, бироз қаддини букиб*) Қара, Қарасанг-чи, нималар бўляяпти.

Иккинчи сайёралик. (*У ҳам ерликлардан кўз узмай*) Кўраяпман. Нақадар даҳшат. Қиёматнинг ўзгинаси-ку.

Биринчи. Нимасини айтасан, Сайёрабошимиз, боринглар, ерликлардан хабар олиб келинглар, деб, бекорга хавотирга тушмаган экан.

Иккинчи. (*У ҳам ҳамон пастдан кўз узмай*) . Ер шарининг бунчалар шўри кўп бўлмаса. Шунча офату кулфатларни унинг бағрида яшаётган одамлар содир қиласапти. Қара, бир ёнда уруш, одамлар қирилмоқда. Одамлар бир - бирини ўлдиришмоқда. Заминнинг бағри қурол яроғларга тўлиб кетган. Бу оғир юкни қандай кўтариб турганига ҳайронман. Бу ҳолда ер тарс ёрилиб, портлаб, ўз ўқидан чиқиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Ер йўқ бўлиб кетади. Уни ўз бағридаги малъунлар йўқотиб юборишади.

Биринчи. Одамларни айтаяпсанми? Булар ҳув-в-в, юксак маводан қувилганда, шу жойга келиб қолишуви. Ер бўларни ўз бағрига олиб, бошпана бўлганди. Парвордигор ҳам бу қавни ерни обод қиласди, нурга, гулу чаманга кўмади, бир - бир билан аҳил, қондош бўлиб яшайди, деб ўйлаганди. Биз, самовотнинг бошқа тирикзотлари ҳам шундай фикрда эдик. Афсус, афсус... Агар одамзот, яъни, шу ерда ғимирлаб юрган кимсалар, ердан ҳам қувилса қайга сиғишаркан-а? Буларнинг бошқа борадаган мавоси йўқ-ку, ахир!

Иккинчи. Қара, бир ёнда табиат булардан ўч оляяпти. Ер юзини тошқинлар, чанг - тўзон ютиб бормоқда. Бир қултум сувга зор бўлиб ҳолдан тойган одамларни кўраяпман. Ҳавосизлик балоси ортмоқда, наҳотки, буни

хис қилишмаяпти. Ўрмонларига ўт кетмоқда, қолган қутган дов - дараҳтларни ҳам кесиб адo қилишмоқда. Она - табиат устига осмонўпар бинолар бостириб келимоқда. Ердан дараҳтлар эмас, бинолар ўсиб чиқмоқда.

Биринчи. (*Пастликка ишора қилиб*) Э-е-е-её, ановини қара, хувв, анови жой (*сүнгра кўрсаткич бармоғини томоша залига тўғирлайди*) хувв, анови жойни айтаяпман. Шу жой ер сайёрасининг қайси жойи, нима деб аталади ерликлар тилида?

Иккинчи. (*У энди кўрсаткич бармоғини бошига томонга ниқтаб*) Анови жойни айтаяпсанми? Қара, ям - яшил ўрмонзор билан ўралган жой. Бу ернинг номи Беларусия. Қара, пойтахти Минск шаҳри. Шу шаҳарнинг ичидаги ҳам ўнлаб ўрмонбоғлар бор, шаҳарнинг қоқ ўртасида ҳам қаршингда ўрмон чиқиб қолаверади, Ўрмоннинг атрофини ўраб қўйишган-да, йўлни айлантириб олиб ўтишган. Бу ерда йўл ёки бинолар қурилиши деб, бирорта дараҳт кесилмайди. Дунёдаги энг ўрмони кўп мамлакатлардан бири бу. Қара, мамлакат пойтахти Минскдан то энг чекка худуд, чегарадаги Брест қалъасигача уч юз эллик километр. Шу йўл ўрмон ичидан кесиб ўтади. Кўраяпсанми, ёмғир чеңаклаб қуяпти. Шу ёмғир остида, ўрмоннинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган йўл четида анови, эгнига елим ёмғирпўш кийиб олган одамлар дараҳт экишаяпти. Ҳа, ёмғирда ивиб, ўрмон ичидаги ҳам кўчат қадашаяпти. Қара, ўрмонлари шунча кўп бўлса ҳам булар дараҳт экишаяпти... Буни кўриб ҳайратланган ўзбек шоири шеър ёзаяпти. Мен унинг ёзганларини ультронеон ва хиссиёт частоталари орқали уқиб олдим. Яхши шеър, эшитасанми?

Биринчи. Айт. Эшитаман.

Иккинчи. (*Шеър ўқийди*)

КЕСМА!!

**Осмондаги юлдуздан ҳатто
Беларуснинг дараҳтлари кўп.
Ҳеч зот қўлга олмайди болта
Кесилмайди бунда битта чўп.**

**Синчиклаб бок, харитасида
Яшил дунё солланар бедор.
Шаҳарларнинг қоқ ўртасида
Тиф тегмаган ўрмонбоғлар бор...**

**Брест йўли... Тош қотдим бир дам
Иложим йўқ... Қандай қарамай?**

**Наҳот унга шунча ўрмон кам —
Эқаяпти кимдир қарағай...**

**Йўл четида турардим қарахт
Қучгим келди азиз Инсонни!
У биларди ҳар битта дараҳт
Суяб турар бугун осмонни...**

**Ўйга ботдим... Қалб оғриқ олди —
Наҳот ердан оёқни уздик.
Кесма! Тўрт-беш дараҳтинг қолди
Осмон яқин келмоқда, ўзбек...**

Биринчи. Яхши шеър экан. (*У ҳам энди шериги кўрсатаётган томонга қарайди*) Ҳа, Сен уларни айтаяпсанми? Улар чиндан ҳам дараҳтлар осмонни суяб туришини, дараҳтлар бўлмаса, осмон қулаб тушишини, дараҳтлар бўлмаса, одамзот табиатнинг қарғишига учрашишини яхши билишади. Мен Сенга уларни эмас, манавиларни (*қўлини бироз томошо залига бургандай бўлади*) ҳа, мановиларни айтаяпман. Бу ер қаер, деб сўраяпман. Тузукроқ яшил ҳимояси, ўрмони бўлмаса ҳам, ана қара, дараҳт кесаётган, йўл четими, шаҳар ўртасими, дараҳтларга қирғин келтираётган, тайинли ўрмони йўқ, лекин ўз келажагини кесиб қуритаётган манови қавмни айтаяпман. Қара, қарасанг-чи, дараҳтзорлар ўрнида бўлар - бўлмас бинолар пайдо бўлиб қолаяпти, еридан дараҳт эмас, бинолар ўсиб чиқмоқда. Ҳа, ўша жой қаер? Ана, шу юртнинг шоири кўп қаватли уй деразасидан шаҳарга мунгли боқмоқда. Мен ҳам унинг хаёлидаги фикрларни уқиб олдим. Унинг ҳам шеъри жуда таъсирли. Эшитасанми?

Иккинчи. Қани, айт-чи, албатта эшитаман.

Биринчи. Бироз қайғули-да, лекин чин ҳаёт акс этган. (*Шеър ўқийди*)

**Чанг – тўзон ичида қолди бу маъво —
Қорайиб бормоқда ҳаттоқи ҳаво.
Яшил ўрмонларга зор бўлиб дунё
Сиздан сўраяпти дардига дъово —
Оламни асрнглар, энди Одамлар!
Одамни асрнглар, энди Одамлар!**

**Бир ютим ҳавога зор бўлса одам,
Бир баргнинг қадрича қадрсиз олам...**

**Нафас ололмасдан буғилиб осмон
Сиздан сўрайпти дардига малҳам...
Оlamни асралнглар, энди Одамлар!
Одамни асралнглар, энди Одамлар!**

**Шаҳарлар тўлғонар заҳар ичинда —
Заҳар оқиб ётар шаҳар ичинда.
Борлик зардоб ютар наҳор ичинда,
Булутлар музлади баҳор ичинда...
Шаҳарни қўтқаринг, энди Одамлар!
Баҳорни қутқаринг, энди одамлар!**

**Мен эмас, дарёлар дод солмоқда, дод!
Қақраган саҳролар дод солмоқда, дод!
Она – табиатни бўғзида фарёд—
Ана, рўпарангда туарар қиёмат...
Оlamни асрагин, энди одамзот!
Болангни асрагин, энди одамзот!**

Иккинчи. (*Ерга узоқ тикилиб*) Чиндан қайғули. Бўлди билдим, ер шарининг Осиё қитъаси. Шарқий нуқтаси. У ерда ўзбеклар яшайди. Ўзбекистон дейишади. Ановини айтаяпсанми, қара, шаҳарнинг қоқ ўртасидаги дараҳтзорни кесиб, ўрнига бетон ётқизишишмоқда. Ҳа, бу Тошкент. Шунинг учун ҳам, шаҳарни тиникроқ кўришнинг иложи йўқ, чанг тўзон ичида кўмилиб ётибди. Шаҳарни ҳам, одамларни қум - тўзон босиб қолган, ҳаво эмас, заҳар ютишаётганини билишмайди. Бу камлик қилгандай, яна, дараҳт кесиши билан оввора. Буни фақат бадбаҳтлик деб атамоқ керак.

Биринчи. Булар ўзини мусулмон деб билишади-ку. Буларнинг улуғ китобларида ҳам дараҳтни кесиши гуноҳ эканлиги бот - бот таъкидлаб ўтилган

Иккинчи. Ҳадиси Шарифда бор; “Агар эртага қиёмат бошланиб қолишини сезган тақдирингда ҳам кўчат экиб ўлгур...”, дейилган. Яна ҳадисларда айтиладики, кўчат экиб боғ яратган одамнинг савобларига ўзи эккан барча дараҳтларнинг баргларичалик савоб қўшиларкан. Дархтларнинг барглари ерда одамзот яратган савоблар деб қаралади.

Биринчи. Нега шундай экан, бу қавм шу ақидаларга амал қилмайди?

Иккинчи. Ким билсин, балки Худонинг ургани шулдир! Агар булар түғилганда дараҳт бешик, ўлганда эса дараҳт тобут бўлишининг моҳиятини англашганда эди, дараҳтлар билан тирик одамлар билан муомула қилгандай муомила қилишарди...

Биринчи. Қара, ана келишаяпти. Сен айтган гумрохлар пайдо бўлишаяпти. Эеей, ана, нарги тарафга ҳам бир қара, сен айтган ўша шаҳарда, юз йиллик чинорларни таг туби кесиб қулатишмоқда... Булар Осмон яқинлашиб қолишини билишмаяптими?

Иккинчи. Дараҳтлар осмонни суюб қолишини билмаган шўрлик қавм. Ўз бошига ўзи оғат ёғдираётган касофат оломон. Юр, яхшиси, кетдик. Сайёрабошимизга бу жойларнинг фожеаси ҳақида хабар беришимиз керак.

Ғамгин мусиқа янграб, саҳна қоронғулашиб ёришади. Саҳнада дов - дараҳтларлар баланд ўсан, тоғ олдидаги гўзал бир маскан намоён бўлади. Қушларнинг сайраши, сувларнинг шалдираб оқиши эшитилади. Гўзал, тароватли бир худуд. Бахри дилингиз очилади. Қўлида чизмақоғоз ушлаган Қудрат саҳнага чиқиб келади. У қоғозни ёзиб унга бир пас тикилади-да, сўнг бош кўтариб, саҳна четидаги дараҳтларга қараб туради. Шу маҳал бульдозернинг тариллагани эшитилади. Бунга маторлиарранинг шовқини ҳам қўшилади. Қудрат дараҳтларга яқин бориб яна уларга кўз тикади. Шу маҳал бирдан бульдозернинг ҳам, маторлиарранинг ҳам овози ўчади. Кимдир "...войй- доод кўўззииимм" деб чинқириб юборади. Қудрат ортга бир тисланиб чўчиб тушади, дараҳтлар атрофида у ёқ - буёққа гандираклаб юра бошлайди. Саҳнага ҳавлиқиб, худди ит қувгандай шошиб Қўлтой кириб келади.

Қудрат (*Унга ҳангу манг ҳолда , хавотир билан термулиб*) Нима бўлди, нима бунча пишнайсан? Чори чинқирдими? Нима бўлди?

Қултой. (*Қўлини силтаб, ҳавони кесиб*) Гўр бўлди, балои баттар бўлди. Анови фалокат Чори бульдозерчи шайтонлаб, дод солаяпти. Қўзим кўрмай қолди, кўр бўлиб қолдим, деяпти.

Қудрат (*Бир сапчиб*) А-а-а-а? Нега? Нега кўр бўлди ?(*Чинқиради*) Нималар деяпсан?

Қултой. (*Ҳансираб, қақшаб*) Мен қаердан билай. Бульдозердан отилиб тушди-да, юзтубан бўлиб ётиб олиб, типирчилаб чинқира бошлади. Ҳайдар гаранг машинасига солиб касалхонага олиб кетди.

Қудрат. Қайси гўрдаги касалванд Чоридан бошқа бульдозерчи йўқмиди? Чик, ўзинг чик, бульдозерга!. Бор, майда - чуйда дараҳтларни суриб ташлайвер. Топиб келган мардикорларингга айт, чинорларни арралайверишин. Кечиктириб бўлмайди.

Қултой. (*Довдираб, қўрқа - писа*) Шу.. Шу десангиз (*Қудратнинг кўзига мултираб қарайди*) Мен... мен... мен ҳам қўрқаяпман. Бошқалар ҳам кесмаймиз дейишаяпти! Бу ерда шайит бово (*шоҳид бобо демоқчи*) бор. (*Қўли билан саҳнага кўриниб турган катта тут дараҳтига ишора қиласди*) Манови, тут шайит бова. Айтишларича, анови Тошбой муаллимнинг катта бобосининг шайити экан. Уни қизиллар шу тутга боғлаб отишган экан. Қаранг, тутнинг

танаcига оқ ялов ҳам осиб қўйилган. Хўжайин, шу ерга бекор тегишаемиз. Бир фалокатга йўлиқмайлик.

Қудрат (*Ғазабланиб*) Нималар деяпса-а-а-а-нин, гар-а-а-ангг?! Ахир мен бу ерга эгалик қилгунимча қанча пулим кетди, қанча чиқим қилдим. Бу гўрсўхта каттаконларнинг нечтасининг кўнглига қўл солмадим. Сен қаердаги ирим - сиримларни гапирасан. Бор, бошқа бульдозер топиб кел! Оғзимдаги ошни олдириб ўтирадиган аҳмоқ эмасман мен. Бор нега анграясан?

Қултой хўжайинига норизо боқади-да, ноилож саҳнадан чиқиб кетади. Қудрат унинг орқасидан ижирғаниб қараб туради. Ўзича ғулдирайди: “Пандавақи!”. Қудрат қаршисидаги ўша тут дарахти ёнига боради. Унга бироз термулиб туради. Мийғида кинояли жилмайиб бош силкийди. Сунг ундан берироқдаги чинорнинг ёнига келади. Унинг танаcини силагандай бўлади. Чинор танаcидаги “Мастура” деган ёзувга қараб туради.

Шу маҳал енгил мусиқа янграйди. Қудрат бироз ортга юради. Яна чинорга қараб қолади. Мусиқа тиниб бўй етган қизнинг жарангдор кулгиси эшитилади. Қудрат хаёлга берилади. Унинг хаёли саҳнада акс этади. У саҳнанинг бир четида туриб ўз ёшлигини эслаетганини англаймиз — саҳнада, аниқроғи, ўша чинорнинг ёнида йигит ва қиз пайдо бўлишади. Улар чинор танаcини силашади, иккиси ҳам ёнма - ён ҳолда чинорга суюнишади. Иккиси саҳна ўртасига қараб юришади. Тўхташади. Қиз йигитга сирли қарайди.

Қиз. (*Маҳзун ва хавотир билан*) Қудрат aka, хуллас мен сизга бир гап айтайнми? (*Сукунат*) Мен ҳомиладорман.

Қудрат. (*Кўрқиб кетади. Қизга анграйиб қараб қолади*) Нима-а-а-а? Нималар деяпсан?

Қиз . (*Қалтираб, синиқ ва пас овозда*) Эшитдингиз-ку...

Йигит. (*Ўзини ўйқотиб қўйган аҳволда*) Нега ахир? (*Қизнинг юзига азоб билан термулиб туради*) Олдир! Олдириб ташла.

Қиз. (*Қорнини ушлаб ҳиққиллаб йиғлай бошлайди*) Ахир... Сиз мени... Мен ишондим...

Йигит. (*Ўзига сув юқтирумай*) Бўлди, бас, ўзинг ҳал қил. Мени уйлантиришаемиз. Мен Сенга уйлана олмайман. Очифи, ўқишимни ҳам бошқа жойга кўчираман. Мендан дўхтир чиқмайди. Сен мени бу ерга излаб бекор келдинг. Сенга айтгандим-ку, очифи, хато қилдим, Сени яхши кўрмасканман.

Қиз. (*Инграган кўйи*) Унда нега мени бу ерга... бу ерга олиб келгандингиз?

Йигит. (*Ошкора ғазабланиб*) Хўп, нима бўпти? Каникул олди курсдошлар билан шу ерга бирга келдик -ку. Сен ҳам курсдошимсан. Бирга

келдинг. Дадам бизларга мана шу ердан икки уч кун дам олишимиз учун шароит қилиб бердилар. Кимсан фолончи раиснинг ўғли бўла туриб Сизларни бу жойларда бир айлантирай дедим. Хўп, едик, ичдик, ўйин кулги дегандай. Мен қаердан билай бундай бўлишини. Айб ўзингда...

Қиз. (*Энди қақшаб йиғлайди*) Ўшанда ўзингиз айтдингиз-ку, сени яхши кўраман, уйланаман деб. Олдиндан ҳа шу гапни айтиб юрардингиз-ку...

Йигит. (*Тагин газабланиб*) Бас қил! Бор кет! Менинг тўйим бўлади. У қизнинг отаси ё ака-укалари билиб қолса, ҳамма нарса расво бўлади. Туманнинг каттакони билан ҳазиллашиб бўладими? Иккимизнинг ҳам теримизга самон тиқишиади. Кет энди, кет...Бу ерга бошқа келма.

Қиз юзини қўллари билан тўсиб олади. Ҳиққиллай бошлайди. Шу пайт сахна ортидан машинанинг гуриллагани эшитилади. **Йигит ўзини йўқотиб қўяди, довдирайди. Қизни силкилади.**

Йигит . Тезроқ йўқол! Кимдир келганга ўхшайди!

Қиз йиғлаб чиқиб кетади. Йигит ҳам сахнанинг нарги томонига йўл олади.

Кудрат хаёлидан кечирган ўша воқеа таъсирида бироз эсанкираб қолади. Яна ўша чинорга тикилади.

Шу маҳал сахнага Тошбой муаллим билан Лола кириб келади. Дастлаб улар Кудратга эътибор беришмайди, эҳтимол қўришмас.

Тошбой. (*Атрофга завқланиб қараб қўлларини ёзади*) Мана, қаранг Лолаҳон, қандай гўзал жойлар. Гулчечаклар барқ урган, майсалар, турли туман гүёҳлар бўйи одамни сархуш қиласиган бундай жаннати жойни ҳеч ерда тополмайсиз. Тўғри қилгансиз амалиёт ишини биз томонларга олиб. Бу ерда ўт-ўланларнинг юздан ортиқ тури бор, десам ишонаверинг. Ҳали уларнинг айримларининг номи фанда ҳам аниқланмаган. Қанчалаб илмий ишларнинг мавзууси ётибди бу ерларда. Тоғчаман деб бекорга айтишмайдида. Қанчалаб доривор ўсимликларнинг макони бу. Тирик табиат, Яратганнинг муъжизаси бу! Истаган турдаги гулу гиёҳингизни шу ерда топа оласиз. То тоғ бағригача чўзилган бу яланглик ўз бағрида буюк табиатнинг чинаккам муъжизасини яшириб ётибди. Оллоҳнинг назари тушган бу жойлар одамзотга тирикликтининг моҳияти, табиатнинг буюк қудратини кўрсатиб туради. Бир ёнда тоғ, бир ёнда кўл, бир ён дарё, ўртада осмон билан сирлашган ям - яшил ҳаёт.

Тошбой муаллим олисларга завқланиб кўз тиккан маҳал Кудратнинг йўталишидан ўзига келади. Қиз ҳам кекса тут ортидан кўриниш берган Кудратга саросималаниб қараб қолишади. Айниқса, Тошбой довдирайди. Унга бир оз ҳадик билан қарайди.

Кудрат. (*Уларга беписанд ва жиiddий боқиб*) Ассалому алайкум, муаллим! (*Энди қизга бош - оёқ суқланиб разм солади*) Бу дейман, ўқувчингизни

эргаштириб, бир тоғларга чиқиб шамоллаб, роҳатланиб, шодланай дебсизда-а?

Тошбой. (*Унинг пичингиға эътибор бермаган каби*) Ассалому алайкум, Құдрат ақа! Шу Тогчаманни бир айланиб келайлик дедик. Бу қизимиз Тошкентдан келдилар, тадқиқотчи. Ўсимлик дунёси бўйича илмий иш қилаяптилар. Ўз ишини давом эттириб, илмий изланишлар олиб бориш учун айнан шу ерга келдилар. Тошкентдаги илмий раҳбари курсдошим бўлади. Таниқли биолог олим. Бу ердаги айрим гиёҳларнинг хусисиятлари борасида янгилик қилмоқчилар.

Құдрат. (*Қизга еб қўйгудай бўлиб қараб*) Шундай денг... Ўт -ўланларни ўрганадилар денг. Ҳа-я, шундай фан бор-а? Ботаника дейишармиди? Қизиқ, бу дунё қизиқ-да, бирор ўт - ўланни ўрганади, бошқа бирор курт - қумирсқани ўрганади, бир-бири билан талашиб тортишади, арзимас нарсаларни деб умрини ўтказиб юборишади. Ҳа, майлида. Майли...

Тошбой. (*Унинг гапини бўлиб*) Бу дунёда ҳеч нарсага арзимас деб қарамаслигимиз керак. Ботаника бу тириклик томирини, ҳаётийликни ўргатади. Сиз айтган ўша майсанинг илдизига бутун ер шари осилиб туриши мумкин. Манови ўлкан дараҳтларни (*дараҳтларга ишора қиласи*) қўя турайлик, шу майса-ю гиёҳларгача табиатнинг мувозанати, одамзот ҳаётининг барқарорлиги учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун табиатдаги ҳар нарсага муъжиза деб қарашимиз керак. Унга тажоввуз қилишнинг оқибати яхши бўлмайди, албатта.

Құдрат. (*Унга ижирганиб қараб қўяди-да, сенинг гапинг бир тийин, вайсама бунча, деган маънода илжаяди ва қизга ўгирилади*) Муалимимиз жуда ҳаяжонланиб гапирадилар-да, ажойиб одам. Одамнинг ҳам ноёб турига киради бу кишим... Хўш, Хўш келибсиз, биз томонларга. Муаллимни маҳкам ушланг. Бу киши билимдон, табиат жонкуяри... Чарчаб қолмадингизми?. Айни мудоа келдингизлар, сой бўйида бир пиёла чой тайёрламоқчи эдик. Бугун якшанба, бу ерларда бир дам олиб кетай дедим. Иш кўп, одам чарчайди. (*Тошбойга беписанд қарайди*) Хуллас, (қўлини ёзиб, атрофни кўрсатиб) Бу ерларни хусусийлаштириб олдим. Худо хоҳласа, жуда ажойиб янгиликлар қилмоқчиман. Элга нафи тегадиган иш билан шуғилланиш керак, ўртоқ муаллим. (*Яна қизга юзланади*) Хуллас, режаларимиз катта, синглим. Кейинги гал келганинигизда, албатта бошқа бир дунёни кўргандай бўласиз. Ишқилиб, зерикib қолмадингизми?

Қиз. (*Бироз ҳижсолат тортиб*) Йўқ, раҳмат. Чиндан гўзал жойлар экан. Мен бир оз атрофни тасвирга олсам, ойижонимга юбораман. Улар ҳам кўриб ҳайратланишсин... (*Киз телефонини ёқиб чор тарафни тасвирга олаяпти. Муаллим билан Құдратни ҳам тасвирга олади. Тошбой муаллимга юзланади.*)

Майлими, ҳувв анови томон, сой бўйига ҳам борсам, Каранг, қандай гўзал жойлар.

Қудрат. (*Жилмайиб*) Албатта, албатта бораверинг. Бу жойлар энди Сизники ҳам синглим. Айтдим-ку, бу ерларнинг эгаси ўзимиз деб. Бораверинг. Ҳа, дарвоқе, сой бўйида йигитлар стол тузатишяпти. Ўша жойда бирга тушлик қиласиз. Шундай хурматли мөхмонлар келишини кўнглимиз сезган эканда-а? (*Тошбой муаллимга мағрур қараб қўяди*) Муаллимжон, Бугун бир яйрайлик. Ўзингиз севган ўт - ўланлар бағрида .Нима дедингиз?

Қиз телефони билан атрофни тасвирга олиш асносида саҳнадан чиқиб кетади. Қудрат билан муаллим ёлғиз қолишади. Улар бир - бирига тикилиб туришади.

Қудрат. (*Унга заҳархандалик билан боқиб*) Муаллим, Сизга бир савол; Бузоқнинг югиргани самонхонагача деган нақлни эшитгансиз-а? Чопганинг чопдирганимга арзимайди, деган гапни-чи? Қисқаси, бу ерларни сайёҳхонами, суюқхонами, аллақандай санаториями қилишимиз керак деб юқорига хат ёзавериб тинкаси қуриганлар бошида Сиз турганингизни ҳам биламан. Энди, қиси-и-и-иб (*бармоқларини бириктириб қўлини тугунча қиласади*) мана бунд-а-а-а-йй қил-и-и-и-бб юринг.

Тошбой. (*Довдираб*) Ўйлайманки, ўйлайманки, Сиз бу ерларни... ҳалиги, йўқотиб юбормайсиз... Табиат... Ўйлайманки... (*эсанкираб қолади*)

Қудрат. (*Унга ошкора газабланиб чинқиради*) Ҳооий! Ўйлайсанми, ўласанми, менинг ишим йўқ! Энди бу ерларга кўз олайтирманглар! Ҳокимнинг қарорини, энг юқорининг ҳам, ҳатто Тошкентнинг ҳам рухсатини олганман.

Тошбой муаллим бироз довдираб атрофга аланглаб туради. Шу пайт саҳнага Қултой югириб киради. Қўлида мотоарра. Яна ҳансирайди.
Қултой. (*Ҳамон гансираб, Тошбойнинг бор йўқлигига бепарва, Қудратга юзланиб*) Бордим. Чори бульдозерчини шифохонага ётқизиши. Эсидан кетиб шайтонлаб ётибди. Ҳар нарсани гапириб, Тоғчаманни йўқотманглар, ҳали ҳамманг қўр бўласанлар. Мен кўр бўлишимга озгина қолди, деб вайсаяпти. Энагарнинг кўзи очилди шифохонада. Мен чиндан кўр бўлиб қолдимикан, девдим.

Қудрат. Нималар деб валдираяпсан? Бас қил! Бошқа бульдозерчи топмадингми?

Тошбой. (*Саросималаниб, буларнинг гапига қўшилади*). Бульдозер нима учун керак? Бульдозерни нима қиласизлар?

Қултой. (*Унга ачиққланиб*) Нима қилардик, иккита бульдозерни мана бундай қилиб бир - бири билан тўқнаштирамиз. Қўчқорлар бир бирини сузишади-ку, ана шундай қилиб, томоша қилмоқчимиз.

Кудрат. Аррачиларга айт ишни бошлайверсин.

Құлтой. Уларнинг ичида ҳам бир донишманди чиқиб қолди. Бунча далахтни кессак ҳаммамиз қамалиб кетамиз деяпти. Бизни булар бойвачча, буларни жин ҳам урмайди, пули күп, қутилиб қолишади, бироқ изнинг шўримиз қурийди, деб ҳаммасининг ҳафсаласини пир қилди. Қайтиб кетишишмоқчи.

Тошбой. (*Хөвлиқиб*) Тўғри-да!

Қултой. (*Бир қўли билан Тошбойнинг бўйнидан маҳкам бўғиб, силкиласиди*) Ўчир овозингни. Гаранг муаллим, асабга тегма. Бор ўт- ўланинг билан гаплашавер.

Тошбой. (*Унинг қўлидан силтаниб чиқиб*) Ҳаққингиз йўқ! Кесолмайсиз! Бу ерни бульдозер билан текислай олмайсиз. Олдин менинг устимга кейин бутун Тоғчаман аҳли устига бульдозер соласиз, сўнгра билган ишларингни қиласкеринглар, ёвувлар! Табиат, мана шу дов-дараҳтлар Сенларни қарғайди.

Кудрат. (*У ҳам Тошбойни бугиб олади-да, ўқраяди*) Бас қил! Бўлмаса шу бугуноқ жиннихонага тиқаман. Энди аяб ўтирмайман. (*Тошбойни бир силтайди. Тошбой ўтириб қолади.. Титрайди, Кўзига ёш олади. Томошибинларга қарайди*)

Тошбой. Одамлар, сизларга нима бўляяпти? Бунчалар ваҳшийлашиб кетаяпсизлар. Бутун борлиқни кемириб, еб бўлдик-ку. Каламушлардан нима фарқимиз бор? Яшил олам, дов - дараҳтлар, боғ - роғларни бетон, асфальт, тош - шағал еб - ютиб бораяпти-ку. Тош - метин бинолар бизни ямламай ютаяпти-ку. Тоғлар титраяпти, осмон идраяпти, борлиқ заҳар, чанг-тўзон, биз эса, ҳамон дарҳтлар бошига қирғин соламиз. Ахир улар бошимиздаги осмонни ушлаб турибди-ку! Ахир дараҳтлар бўлмаса, бошимизга осмон қулаб тушади-ку... Одамлар, одамлар кўзларингни очинглар. Ичингиз бетон, юрагингиз бетон, руҳингиз бетон, ташки дунё бетон, уйингиз бетон... Бетонга айланган одамлар-аа-а... (*У энди ҳиққиллай бошлайди*)

Қултой. (*Хоҳалаб кулади*) Сен жинни муаллим, томошибинларни ҳам қўрқитиб юбординг. Мактабда ўт - ўландан дарс бергунча, артист бўлсанг бўларкан.

Тошбой. (*Унга газаб билан тикилади. Ўрнидан шаҳд билан туради*) Мен Сенларга кўрсатиб қўяман. Керак бўлса, дунёга жар соламан. Экология идорасига бораман! Журналистлар, блогерларга бораман. Агар айрим мансабдор олғирлар Сенларни қуллаб - қувватлаб турса, энг юқори идоролар – қонуннинг катта идоралариға кириб бораман. Керак бўлса, Президентга бораман!

Кудрат. (*Унга ўқрайиб*) Уххх, бунча жириллайсан? Менга деса, БМТга, НАТОга бормайсанми, очиқ мозорга бормайсанми? Нарги дунёга

бормайсанми? Қани энди туёғингни шиққиллат! Ёки тасодифан жардан ииқилиб ўлгинг келаяптими? Қонун ҳам , бошқаси ҳам мен томонда. Эсингдами, болалигимизда эски магазиннинг деворига оқ мато осиб, «Филлар менинг дўстим!», деган ҳинд киносини қўйишарди. Бугун «Пуллар менинг дўстим!» деган замонда яшаяпсан, галварс.. Филлар менинг дўстларим деган дунё аллақачон ўтиб кетди...

Тошбой. (*Иҳраб, оҳиста кекса тут ёнига келиб униг танасини силайди*) Бу ерда менинг катта бобом отилган. Ланъати қизиллар уни босмачи деб отиб ташлашган. У билан бирга яна уч нафар йигит ҳам бўлган. Бу ерда тўрт нафар жасур Инсоннинг қони тўкилган. Ҳеч бўлмаса, Сен шуни ўйлагин. Уларнинг шаҳид кетганига шаҳидлик беради бу тут. Шу ерда отилганларнинг руҳидан кўрқ. Оҳиратингни ўйла. Бу тутнинг танасига уларнинг қони саҷраган. Бу тут — чин тарих, ахир!

Кудрат. Вайсама кўп. Анови етаклаб юрган ойимчангни ит талаб ташлаши мумкин. Юлбарсни бўшатиб қўйганман. Эҳтиёт бўл. Бошингга бало орттирма. Сенга ким қўйибди, тоққа қиз олиб чиқиши. (*Хоҳалаб кулади*)

Тошбой саросималанади. Қиз кетган томонга хавотирланиб қарайди-да, уларга бир ўқрайиб саҳнадан шошиб чиқиб кетади. Кудрат ва Қултой қолишиади. Иккиси ҳам хавотир ичида бир нуқтага тикилади.

Кудрат. Менга шу тентак муаллимнинг ҳаракатлари ёқмаяпти. Энағар, чаённинг ўзи-я. Бу ҳамма жойга саситмасдан, олдини олайлик. Пул таклиф қилсанг олмайди, биламан. Йўли... йўлини топиш керак. Топ йўлини.

Қултой. Хўп, буни менга қўйиб беринг. Анови, ҳокимиятдаги тирриқига ёнингизга ўтмоқчимиз, деб телефон қилдим. Ўзича у ҳам ўйин қилди. Ҳокимнинг қарори бор десам кўнмади. Менинг олдимга келиб ўтирма, ўзим бориб кўраман, у ерда , ўрмоннинг адогида санатория қурилиши кўзда тутилган, ҳеч қандай завод - павод қурилиши мумкинмас, дейди.

Кудрат. Ўзи келса яхши. Мен уни биламан. Нимага ўзини бозорга солаётганини ҳам биламан. (*Қўйнидан конверт чиқариб Қултойга узатади*) Ма, ол. Шуни унга бериб қўясан. Кўкидан бешта, беш минг. Қолганини кейинроқ олади. Ҳужжатларга имзо чектириб ол. Ҳа, бу ердаги аррачиларингни ушлаб тур, ҳокимиятнинг розилик хатини кўришсин, кейин хотиржам кесаверишади. Ҳамма ўзича қонунчи бўлиб кетган.

Қултой. Кесилган дараҳтларни Соли мебелчи олиб кетаман деган. Беривориверайми?

Кудрат. Олиб кетсин. Олиб кетсин. Бирорта баргини ҳам қолдирмасин. Мебел фабрикамга ёғоч керак, илтимос бегона қилманг, деб калишимига патак бўлиб юрибди. Кўкидан ўн минг беради.

Қултой. Каммасми хўжайин? Чўғи камов. Шунча гектар майдондаги чинор, арча ҳазилакам пул бўлмайди-ку. Шу Соли деганлари роса учар чикди-да, уккағардинг ули.

Кудрат. Нимасини айтасан. Ҳатто Тошкентдаги Амир Темур майдонидаги чинорлар кесилганда, ҳозир нозир бўлиб уларни ташиб келган учармон у. Майли беривор. Ундан бошқа нақд харидоримиз йўқ. Тезроқ гумдон қилишимиз керак. Бу ерда иш бошлишимиз зарур. Агар заводни қурсак гап бизники. Бу ердаги ҳар бир дархт баргичалик доллар ёғилади. Тоғда хом-ашё керагидан ортиқча. Тоғу тошдан пул қиласиз, тушунаяпсанми? Шундай бойлик эгасини кутиб ётиби. Дараҳт - парахти билан сариқ чақачалик ишим йўқ. Ургилдим, табиат ҳимоячиларингдан. Бироқ, тезлатишимиз керак. Кўриб турибсан-ку, анови муаллимга ўхшаган ғаламислар ғимирлаб қолди.

Шу пайт саҳнага қўлтиғида қофозжилд (папка) кўтарган ҳокимият масъули Тўра кириб келади. Буларни кўриб бироз ҳушёр тортади. Атрофга жиддий аланглайди. Теваракни кузатган бўлади.

Кудрат. (Унга бепарво қараб) Тўрабой, бу дейман оввора бўлиб юргунча, ўша ерда ҳал қила қолмабсизда.

Тўра. (Довдираб) Ахир... Бу шунчаки осон иш эмас-да. Биласиз, ҳозир ҳамма ёқда яшил макон деган гап юрибди...

Кудрат Тошбойга илкис қараб, бош ирғайди. Тошбой қўйнидаги конвертни олиб шартта Тўрага узатади. Тўра довдираб қолади. Бирдан узатилган конвертни олиб қўйнига уради-да, қофозжилди очиб, ичидан аллақандай қофоз олиб имзо чекади.

Тўра. (Қоғозни Қудратга узатади) Мана, олинг! (Бирдан ортига бурилиб шоша - пиша) чиқиб кетади.

Кудрат қоғозни олади. Унга тикилиб жилмаяди. Қултойга бош ирғайди. Қултой унинг ёнига югиригилаб келади. Қоғозга боқиб у ҳам ишшаяди. Зўр иш бўлибди, деган каби бош бармоғини мақташ маъносида кўрсатади. Шу пайт итнинг вовуллагани, Тошбой муаллимнинг додлагани, қизнинг чинқиргани эшитилади. Қудрат Қултойга қараб бақириб юборади.

Кудрат. Бор югиииррр! Итга қар-а-а-а!!!

Қултой саҳнадан югириб чиқиб кетади. Қудрат ўша томонга хавотир билан тикилиб қолади. Бир зумда Қултой қизни эргаштириб кириб келади. Иккиси ҳам ҳансираган. Иккиси ҳам қўрқиб кетган алфозда. Қиз оғир - оғир нафас олади.

Кудрат. (Уларга ҳовлиққан кўйи боқиб) Нима бўлди? Тишлаб олмадими? (Қизнинг қаршиисига югириб келади ва унинг қўлини ушлаб у ёқ -

буёгига қарайди) Тишламадими ишқилиб. (*Сўнг Қултойга қараб*) Сенларга неча марта айтдим, итни яхшилаб боғла ё бу ерда сақламаларинг деб.

Қиз. (*Ҳансираган күйи*) Мен ... мен яхши. Менга эмас, муаллимга ташланди. Муаллимни босиб, тишлаб ташлади. Шунда қурқанимдан чинқириб юбордим.

Қултой. Ит ҳам кимга ташланиши яхши билади. Бу кишига индамаган. Анови муаллимни бир баҳия қолди, ғажиб ўлдириб қўйишига. Қаттиқ тишлади. Пастдаги қоровул машинасига босиб, шифохонага олиб кетди.

Қудрат. (*Ичидан отилган шодликни билдирамасликка ҳаракат қилиб*) Муаллим ҳам шифохонага кетди дегин.

Қултой. (*Ўз хаёлидаги гапни шартта айтиб юборади*). Шуни ит еб қўйганда яхши бўларди. Кутилардик.

Қиз. (*Унга ажабсиниб қараб, йиглаб юборади*) Нега ундај деяпсиз?

Қудрат. (*Қултойнинг биқинига бир туртиб, юзига ўқрайиб қарайди*). Ҳазил! Ҳазил! Қултойқўзи шундай ҳазиллар қилиб туради. Парво қилманг.

Қултой. (*У ноўрин гапириб қўйганинини сезади-да, бир сапчиб тушиб, жислмаяди*) Ҳа, ҳазил. Ҳазил... Муаллим билан иккимиз қадрдонмиз. Бир - биримизга қаттиқ ҳазил қиласиз. Унга итнинг тиши таъсир қилмайди. Хавотир олманг, бир кунда отдай бўлиб кетади.

Лола. (*Ҳижсолатли ҳолда*). Мен ҳам кетишим керак. Кутилмагандан бу фалокат бўлиб қолди. Муаллимдан ҳам хабар олишим керак. Ишқилиб, ахволи оғирмасмикин...

Қудрат. Хавотир олманг. Сизни ўзимиз кузатиб қўямыз. Марказ бу ердан етмиш километр нарида. Тоғ йўлида транспорт ҳам топилавермайди. (*Лолани етаклаб, саҳна четидаги тўнкадан ясалган қўлбола стул ёнига олиб келади*) Сиз ўтира туринг. Ҳозир Қултойқўзи сув - пув олиб келади. Қўрқиб кетибсиз. Болалигимизда бизни ит қувса қўрқиб кетсан, онамиз сув ичирадилар.

Қудрат Қултойнинг ёнига келади. **Қултой қиз томонга сукланиб – сукланиб қараб қўяди.**

Қултой. (*Қиздан кўз узмай*) Шоир айтгандай ойдан ҳам гўзал. Кундан ҳам гўзал.

Қудрат. (*Унга сирли қарайди ва қизга эшиитилмайдиган овозда*) Биринчи галда итни йўқот. Йўқ, анови ветернариями, баттарми, ўша ердан одам чақир. Итни олиб кетишин. Итни қутирган экан дейверсин. Ветернариянинг каттаси менинг ошнам. Ўзим ҳал қиласан буни.

Қултой . (*Довдираб*) Нега итни йўқотамиз? Нега қутирган деймиз?

Құдрат. (*Унга айёrona термулиб*) Ахир Тошбой муаллимни шу қутирган ит қопди-ку. Уни босиб даволаш керак. Биласан-ку, қутирган ит қопса ҳазиллашиб бўлмайди. Узоқ даволаш зарур. Тушундингми, галварс.

Қултой. (*Унга ялтоқланиб қарайди*) Ҳа-я, демак, Тошбой муаллим ҳам қутиради-да. Эҳҳ, Худойим-а, ўзим ҳам ишониб кетаяпман. Ақлингизга тасанно хўжайин. Бу бош билан дунёни бошқарсангиз бўлади.

Құдрат. (*Кескин*) Бўлди, илонни ёғини ялама. Хуллас, бугун ишни тўхтатиб тур. Аппачиларингга ҳам жавоб беривор. Анови, қўйнингдаги ҳужжатни, ҳокимиятдаги масъул бор-ку, экологиянинг эговими, эгасими, ҳалиги ипирисқи Тўра довдир имзо чеккан ҳужжатни кўрсат ўша қонунбозларга. Тайсаллашмасин. Пулини олишади. (*Қиз томонга боши билан ишора қилиб илжаяди*) Сой бўйидаги дастурхонни буёқقا олиб чиқ. Мана шу ерда стол безатамиз. Соли мебелчи ҳам келиб қолса керак. Менинг олдимга яқинлаштирма. (*Қиз томонга ишора қиласди*) ановини кўрмасин. Келишилган сўммани олгач, икковинг сой бўйида ўтиравер. Менга ҳалал бермаларинг. Яъни, бизга.

Қултой. (*Ялтоқланиб*) Тушундим... Тушундим, хўжайин. (*Илжаяди*)

Қултой чиқиб кетади. Құдрат Лола томонга ҳиссу ҳирс билан қарайди.

Саҳна қоронғулашади.

САҲНА

Давлат идораси. Аниқроғи, Құдратдан пора олган масъул шахс Тўранинг хонаси. Тўра ким биландир телефонда бақириб гаплашаяпти.

Тўра. А-а-а? Шундайми? Қутирган ит қопган дейсизми? Ким айтди? Ветернария итни ушлабдими? Тошбой муаллимнинг ўзи қаерда экан? Уни кўчага қўйиб бўлмайди, уни даволаш керак. Фалокатда, фалокат. Қаерда қопибди, дейсиз? Тоғчаманда. Құдратнинг ерида дейсизми?. (Бирдан довдирај бошлайди) Йўғ-у? Ит кимники экан. Нотайин итмикан? Эгасиз денг. Ҳа майли, Худо асрасин. Нима, энди Тошбой ҳам қутиради денг. Одамга ҳам ташланиб қоладими?

Тўра қултелефонини ўчириб, тақ эткизиб стол устига ташлайди. Нимадандир хавотир олгани сезилиб туради. Бир нуқтага тикилиб қолади.

Тўра. (*Ўзига ўзи гапиради*) Қизиқ... Құдратнинг дачасида Тошбой нима қилиб юрибди? Бу табиат жинниси ниманидир ис олиб борганов. Құдрат ўша ердаги дарахтларни кесиб, тозалаб завод қуришга бел боғлаганидан хабар топғанмикан? Құдрат мен қонуний иш қилаяпман деб минг карилласа ҳам, барибир дархтни кесди, деган гап ёмон. Ишқилиб, охири баҳайр бўлсин.

Шу пайт ташқарида тақур – түкүр эшитилиб хонага бир қўли боғланган, ёқавайрон уст - бошда, пишнаб, ҳаллослаб Тошбой муаллим кириб келади. Уни кўрган Тўра тахта бўлиб қотиб қолади.

Тўра. (*Тили қалимага келмай ғулдирайди*) Си-и-и-ззз. Қутирган... қутирган ит.. нима қилиб бу ерда? (*Кўрқанидан орқага чекинади*)

Тошбой. (*Унга нафрат билан тикилади*) Нима?? Кимни қутирган деяпсан? Сен ўзинг қутиргансан! Агар қутирганингда кўра била туриб шундай жаннати жойни таг - туби билан қуритишларига рухсат бермасдинг. Агар қутирганингда Кудрат тентакка қўшилиб Тоғчамани абор қилмасдинг. Агар қутирганингда Кудратдан пора олиб юздан зиёд дараҳтни кесиб ташлаши, ўт- ўлан мавж ўрган ялангликни сурдириб ташлашлари учун рухсат бермасдинг. А-а-а-а? Айт, қайси калла билан бу жиноятга бош қўшдинг. Айтиб қўяй, ҳамманг қамаласан. Прокурорга бордим, умрим бино бўлиб биринчи марта бировнинг устидан шикоят ёзиб бердим. Агар у ҳам Сенларга шерик бўлмаса, бугун - эрта албатта текширади. Ҳокимга бордим, вилоят ҳокимлигига кетган экан.

Тўра. (*Мутлоқ эсини йўқотиб қўяди. Довдираиди*) Нима-а-а-ла-app, деяпсан? Ахир, ҳокиминг ўзи рухсат берган.

Тошбой. (*Унга нафрат билан қараб*) Сен-чи? Сен-чи, Сен ҳокимни ҳам, Кудратни ҳам қайтармадингми?

Тўра. (*Унга хезланиб*) Менга нима дейсан? Қўлида қарори бор.

Тошбой. (*Унга яқинроқ бориб, тумшуғига ияқ қадаб*) Қарорни ҳам у иблис пулга чиқартириб олган. Ҳамманг сотқинсан. Арзимаган нарсага дов - дараҳт, яшил ўтлоқ тугул Ватанини ҳам сотиб юборасанлар. Агар Президент билса, биттанг ҳам омон қолмайсан, кетадиган жойингга кетасанлар. Давлат раҳбарининг ўзи кўчат экиб намуна кўрсатаяпти. Яшил Макон яратиш гоясини ўртага ташлади. Тушунаяпсанми? Келажакни, Сенинг, Сенга ўхшаганларнинг бола - чақангни асраб қолиш, келажагимизни сақлаб қолиш учун шундай қилинаяпти, билаяпсанми, ҳаромхўр?!

Тўра. (*Ўзини қўлга олиб, ортга тисланавераган ҳолда*) Ҳар бир гапинг учун жавоб берасан. Сен қутирган жиннисан. Йўқол бу ердан (*қўли билан қуши ҳайдагани каби кет ишорасини қиласди*). Кет!. Милиция чақираман, кет!!! (*Тошбой қўлига қўлтелефонни олиб телефон қиласди*) Охрана-а-а-а! Охра-а-на-а-а!!!

Тошбой. (*Бир ташланиб унинг ёнига яқин боради-да, бўйнидан бугиб олади*) Сенга қутиришни кўрсатиб қўяман. Ким жиннилигини кейин биласан. Тошбой уни унинг юзига мушт туширади. Тўра “вой дод”лаб бақираверади. Тошбой уни бир силтайди. Тўра ерга йиқилади. Шу тобда хонага икки нафар эшик қоровули кириб келади-да, Тўрани Тошбойнинг ҳамласидан қутқаришади. Тошбойни судраб - тортқилаб олиб чиқиб кетишади.

Тўра. (*Ҳансираб қаергадир телефон қиласи*) Алло-о-о! Алл-о-о!!! Ҳомид Расулович, анови қутирган ит хонамга кириб менга ташланиб қолди. Нима-а-а-а? Анови Тошбой муаллимни айтаяпман. Бу туманда тинчлик ва тартибга жавобгар сиз-ку, уни бундай қўйиб бўлмайди. Ақлдан ҳам озганга ўхшайди. Кетди. Менинг хонамдан олиб чиқиб ташладилар!

У ҳансираб курсига чўкади. Столга тирсак тираб икки қўли билан юзини тўсади. Уфф тортади. Қўлларини тушириб ўйга ботади. Шу ҳолатда хонага Ҳайдар ота кириб келади. Тўра ўрнидан туради у ёқ - бу ёғини тузатган бўлади.

Тўра. Ассалому алайкум, келинг, устоз. Соғлигингиз яхшими? (*Тавозе билан унга қўл чўзади. Ҳайдар ота унга ёқтирмага кўйи қўл чўзиб, саломига алик олади*).

Ҳайдар ота. (*Унга синовчан тикилиб*) Менинг ҳаммасидан хабарим бор. Бугун хабар топдим. Тошбой муаллим уйимга тўполон килиб борди. Ана, ташқарида кўрдим. Коровулга айтдим, шу ерда ўтира турсин, дедим. Ўғлим телефонимни кўтармаяпти. Тоғчаманга борамаиз ҳозир. Шу гаплар ростми?

Тўра. (*Довдираф*). Қайси гаплар?

Ҳайдар ота. Ўғлим билан биргалиқда Тоғчамандаги ўрмонни йўқ қилиб, ўрнига тош заводми, ғишт заводми қурмоқчимисанлар? Шуни сўрайман? (*Энди дарғазаб бўлади*). Сен, ҳокиминг, ҳатто вилоятдаги валломатинг ҳам ўғлимга рухсат берибсанлар-ку.

Тўра. (*Минғирлаган кўйи*) Мен нима дердим, ахир хўжайинлар хайриҳоҳ бўлиб турибди-ку. Бунинг устига ўғлингизнинг феълини биласиз...

Ҳадар ота. (*Овозини баландлатиб*) Мени ҳам биласан. Эллик йил шу ерларда раислик қилганман. Тоғчаман қанчалаб одамлар, ҳатто ҳорижликларнинг ҳам ҳайратини тоширган. Эсингдами, энди ўқишини битириб келганингда агро фирмага мен Сени ишга олганман. Худога шукр, қанчалаб шогирдларим бор. Ҳатто вилоят раҳбаринг ҳам қўлимда ишлаган. Оёғим узангода узоқ турганинг сабаби, хато - камчилигим бордир, лекин элга хиёнат қилмадим. Элнинг райига қарши бормадим. Элни хўрламадим. Элнинг ризқига кўз олайтирамадим. Фаришта бўлмасам ҳам, лекин иблис ҳам эмасман. Менга қара, бунчалар нафс гадосига айланиб қолгансанлар-а? Халқнинг мулкини топтамадим, Сенларга ўхшаб?

Тўра . (*Эсанкираб*) Нега менга.... бундай... бундай деяпсиз?

Ҳайдар ота. (*Ижирганиб*) Ҳа, Тоғчамандаги дов - дарахт элнинг мулки эмасми? Билиб қўй, ўсаётган ҳар бир дарахт бир одамнинг эмас, бутун элнинг мулки бўлади, бутун бир элга доҳил бўлади. Уни ўз билганингча кесиб, қуритиб юборишга ҳаққинг йўқ. Умуман, Тоғчаманнинг ўзи дам оладиган, қанчалаб одамларга хордиқ бўладиган, астма ва бошқа

хасталиктарга шифо бўладиган маскан. У ерда қўққайтириб завод куриш тентакликдан бошқа нарса эмас. Жуда шу бирор нарса қурмасанг ўлиб қоладиган бўлсанглар ана, Тоғчаманга етмасдан, кенг адир тагидаги текислиқда бирорта санотория қур. Тоғчаманинг ҳавосидан одамлар баҳра олади. Болалар орамгоҳи қуринглар. Мени билмайди дема, ўғлим билан ҳамманг бир чўмичдан сув ича бошлабсан. Ҳокимият қўлимга тегди, деб ҳар билган нарсангни ейверасанларми?

Тўра. (*Энди тамоман довдираб*) Ҳамма ишнинг тепасида ўғлингиз туриби-ку...

Ота. (*Кинояли ва аламли илжаяди*) Ўғлиммас, ўғлиммас... (азоб ичра жилмаяди)

Тўра. Унда ким туриби?

Ота. Ўғлимнинг пули, Сенларнинг нафсинг туриби бу ишларнинг тепасида. Пул ва нафас бирикса бутун оламни вайрон қиласди. Буни яхши биламан. Сенлар ундан қўрқасанми ё шунчаки унга хайриҳоҳ бўляйпсанларми, унинг қўлидаги ҳужжатлар осмондан тушаяптими, шунга ҳайронман. Тўғри, у дараҳтларга қирғин келтирмоқчи, лекин унинг қўлидаги болтани Сенлар бердинглар-ку, Сенлар уни йўлдан қайтариш ўринига, очкўзиликларинг эвазига томошабин бўлиб ўтирибсанлар-ку. А-а-а? Сенлар ўғлимдан ҳам кўра хавфлироқсанлар. Очиғини айтайми, ўғлимни оқламайман. Лекин айтиб қўяй битта порахўр раҳбар минглаб очкўз одамдан хавфлироқдир. Чунки у бир имзо билан ими - жимида кўп нарсани сотиб юбориши мумкин.

Тўра. (*Энди ачиқланиб*) Бу гапларни олдин ўғлингизга айтсангиз бўлармиди?

Ота. Айтдим. Кўп айтдим. Бу гал Тоғчаман адогида санотория қурмоқчиман деб алдади. Ўз отасини алдади. Анови Тошбой муаллим айтмаганда эди, билмасдан юраверардим. Билганимда кеч бўларди. Хуллас, юр олдимга туш, мен билан Тоғчаманга борасан.

Тўра. Мен у ёқда нима қиласман?

Ота. (*Киноя билан*) Бугун эрталаб бординг-ку, яна борасан. Ўз қўлинг билан берган ҳужжатингни қайтариб оласан.

Тўра. Мен боролмайман... (*Инграпиради*) Ахир...

Ота. (*Ундан нафратланиб*) Иштонини булғаган бола ўхшаб бўзирайсан-а? Ҳаммангнинг орқанг тозамас, қўрдингми? Ҳавотир олма, ўғлимни ўзим тўхтатаман. Айтдим-ку, ташқарида Тошбой муаллим кутаяпти. Фақат бир гапим бор. Эшит, уни ҳеч қандай қутирган ит қопмаган. У қутиргмаган. Нафс йўлида ўзининг келажаги танасига болта урадиганларни қутирган деса бўлади. Ҳа, ўғлимни, Сенларни қутирган десам бўлади. Худодан қўрқмадингларми?. Эссиз одам? Хайф Сенларга!

Хайдар ота унга нафрат ва ғазаб билан термулади-да, хонадан чиқиб кетади. Тўра қўлтелефонини очиб Қудратга қўнғироқ қиласди. Телефонга жавоб бўлмайди.

Тўра. (*Ғазабланиб ўзига ўзи сўзлаяпти*) Ланъати Қудрат. Иблис, телефонни ҳам кўтармайди. Маишат қилиб ётгандир-да... Тошбой муаллим чолни тамом ўзига оғдириб олибди. Чолнинг ғазаби ёмон. Худо қўрсатмасин, чол йўлга чиқса, ёмон, қайтариш мушкул. Экология вазирлиги, ундан тепароқда ҳам танишлари бор бунинг. Ҳоким билан жиддий гаплашишим керак...

Тўра бир нуқтага тикилиб қолади. Сўнг стол устидаги телефон гўшагини олиб қўнғироқ қиласди.

Тўра. Алло. Ҳоким келмадиларми? Келсалар айтинг, у кишида жуда зарур гапим бор. Албатта бугун учрашмасам бўлмайди.

Сахна қоронғулашади.

САҲНА

Тоғчаман. Қудрат ўша жойда, табиат яши наб, ғуж дараҳтзор худди ўрман каби чайқалган ҳузурбахш ҳудудда четдаги курсида ўтириб теваракка завқ шавқ билан қараб, қоғозга нималарнидир ёзиб - чизаётган Лолага ҳирс билан қарайди. Қудратнинг шотири Қултой елим стол олиб чиқади. Қиз учун дастурхон тайёрлашмоқда. Қултой енгил ва ихчам елим столни қулайроқ жойга ўрнатиб, яна чиқиб кетади-да, зумда иккита елим курсича (стул) олиб келиб, стол ёнига тиркаб қўяди. Қудрат ҳамон қизни кўзатиб турибди. Қиз атрофга шавқ ва ҳайрат ила суқланиб қараб- қараб қуяверади ва дафтарига нималарнидир ёзади. Қултой зипиллаб яна чиқиб кетади-да, бугал турли ичимлик ва мева – чевалар олиб келиб стол устига қўяди-да, ўз хўжайини Қудратга: “Ҳаммаси тайёр, bemalol маишат қилаверинг...”, деган маънода сирли илжайиб, бош иргаб қўяди-да, саҳнадан чиқиб кетади. Қудрат ҳамон қизга ўзгача бир нигоҳ билан термулиб тураверади. У саҳнанинг ён томонига тикилади. Саҳнада яна ўз ёшлиги билан юзма - юз келади. Саҳнада Қудратнинг ёшлиги ва ўша Мастурани кўрамиз. Яъни, унинг хаёлидан ўтказаётган воқеаларни томоша қиласмиз.

Қудратнинг хаёли:

*Йигит ва қиз саҳнага чиқиб келишиади. Иккиси ҳам кайфиятсиз.
Маҳзун.*

Қудратнинг ёшилиги. (*Мастуранинг юзига тикилиб жаҳл билан*) Айтдим-ку, Сенга! Нега кеча кетмадинг?! Бу ерларга бошқа келма! Энди унут, бу жойларни. Амалиётни ҳам бошқа жойда қиласкер кейин. Вилоятда нима кўп, шифохона кўп.

Мастура. (*Хиқиллаб*) Ўйлаб кўринг, балки ота - онангизнинг олдига иккаламиз бирга борармиз...

Қудрат. (*Унга газабланиб қараб*) Йўқ. Бўлди, бас қил! Мен Сенга уйланолмайман. Кечака айтдим-ку, бу шунчаки хатолик оқибати. (Энди юмшаб майнироқ гапиришга уриниб) Очиги, сенга шунчаки овуниб юрган эканман.

Мастура. (*Унга газаб билан қарайди. Лаблари титрайди*) Нима... Нима дедингиз? (*Ингранади*) Мен Сизга овунчоқ ё ўйинчоқ бўлганмидим?

Қудрат. Ҳа-а-а!!! Нима дейсан? Ўзингни ўзинг шарманда қилмай, қорнингдагини гумдон қил. (*Чўнтағидан пул олиб узатади*) Ма, мановини ол! Мен ўзим вилоят марказидаги врач танишимизга илтимос қиласман. Яхиси, шу ернинг ўзида олдириб кетганинг яхши. Ахир ўзинг ҳам бўлажак дўхтиран, қорнинг катталашса кейин кеч бўлади.

Мастура. (*Синиқ жислмайиб*) Сенинг ишинг бўлмасан номард. Ўзим ҳал қиласман бу ишни. Пешонамдан кўрдим, Лекин, сен одам эмассан!

Қудрат. Сенсирама! Оғзингни ёп! Бўлмаса манови жардан (*саҳна қиргогига тортқиласб олиб келади*) манови жарлиқдан пастга улоқтириб юбораман. Ўлигингни ҳеч ким тополмайди. Жаҳлимни чиқарма.

Мастура. (*Титраб - қақшаб*) Мен Сени қарғайман. Мени алдадинг. Мени йўлдан урдинг. Сен Худодан топасан бир кун! Албатта, у дунё тугул бу дунёда жазоингни оласан. Сени Худога солдим...

Қудрат. (*Ўшқиради*) Йўқоолл! Ҳозир пастга отивораман!!!

Қудрат Мастурани билагидан тортиб жарга иргитмоқчи бўлади. *Мастура бир силтаниб ерга ўтириб қолади ва юзларини тўсиб зор - қақшаб йиглайверади.* *Қудрат газабини босолмай ҳансираф нафас олади.* *Қиз ўрнидан туради-да, ҳиққиллаб йиглаган ҳолда оғир - оғир қадамлар билан саҳнадан чиқиб кетади.* *Қудрат унинг ортидан ижирганиб қараб қўяди ва у ҳам саҳнани тарк этади.*

ХОЗИРГИ ДАВР...

Энди ўша лавҳаларни эслаётган Қудратнинг ҳозирги ҳолатига қайтамиз. У қаршисидаги Лолага қараб жилмаяди. Қўлларини бир - бирига ишқаб тузатилган стол ёнига келади. Иккита финжонга "Баржоми" ичимлиги қуяди. Ими-жимида, тезлик билан чўнтағидан аллақандай иккита таблетка олиб финжонларнинг бирига солади ва ҳамон нималарнидир ёзиб - чизаётган Лолага бошқача нигоҳ ташлайди. Ўша нимадир қўшилган финжонни олиб қизга қарайди

Қудрат. (*Қўлида финжон қиз томонга юраракан*) Лолаҳон, синглим бу дейман бизнинг жойимиз Сизга ёқиб қолганга ўхшайди.

Лола. Ҳа, жуда бетакрор, гўзал, тирик табиат нафаси уфириб турибди. Фақат...фақат (*гамгин тортади*) машина келармикан? Қайтсан бўларди. Тошбой муаллимдан хавотир олаяпман. Яхши Инсон эканлар, мени деб бирга келгандилар. Бу фалокатга йўлиқиб ўтирибдилар

Қудрат. (*Лоланинг рўпарасида туриб финжонни узатаркан*) Мана шуни ичиб олинг, “Баржоми” бу. Биламан, спиртли ичимлик ичмайсиз (*тилёғмалик билан*) ва тўғри ҳам қиласиз. Қиз боланинг ҳаёси ва одоби унинг гўзаллигига гўзаллик қўшади. Тошбой муаллимдан хавотир олманг. Ҳозир шифохонда. Ҳеч нарса қилмаган. Машина, албатта келади. Мана шу Баржомини ичиволинг, чанқагандирсиз.

Лола ундан миннатдор бўлиб финжонни олади. Шу пайт дархтзор томондан бульдезорнинг гуриллагани ва матоарранинг тариллаши эшитилади. Қиз чўчиб кетади ва қўлидаги финжонни қўлбола тўнкакурси устига қўйиб ўша томонга қарайди. Қудрат ҳам бу холдан саросималаниб қолади.

Лола. (*Қудратга ваҳима билан тикилиб*) Кимлардир бу ердаги дараҳтларни кесишаётганга ўхшайди. Ахир кесиш мумкинмас-ку?! Аниқ кесишаяпти.

Қудрат. (*Сири очилганидан довдираб*) Қўйсангиз-чи, бу ерда дараҳт кесишига ким ҳам журъат қилоларди. Эътибор берманг.

Шу лаҳзада қўлида арра тутган Қултой чопиб чиқади. Қудрат унинг юзига хавотир билан, нима гап , деган маънода тикилади. Қултой ҳансираган қўйи дараҳтзор томонга бош иргайди.

Қултой. (*Ҳансираб*) Соли мебелчининг ўзи аррачиларни қайтариб келди. Дараҳтларни кесаман, деб жанжал қилаяпти. Бугун кесиб олиб кетаман деяпти. Бир кун сабр қил десам ҳам кўнмаяпти.

Қудрат. (*Қизга илкис қарайди. Шошиб қолади. Қизнинг билиб қолганидан довдирайди. Шунчаки юзига ясама табассум бериб*) Нима бало, Солининг калласи кетганми? Мастми ё? Ахир бу ердаги дараҳтлар (энди унга тишини ғижирлатиб, нафрат билан) кесилмайди, демадингми? (Қизга эса ваҳима аралаш қараб қўяди). Бор, тинчит!

Лола нималар бўлаётганини англаб-англамай Қудрат ва Қултойга ажабсиниб қарайди. Шу пайт ичкаридан, дараҳтзордан Қўлида болта тутганча Соли мебелчи чопиб чиқади. Қултой қўрқиб кетганидан ўзини четга олади. Лола анграйиб қолади.

Соли. (*Қудратга кинояли илжайиб*) Э-йй, ўzlари бу ерда (Лолага сирли қараб) панада эканлару, манови югиридаклари (Қултойга қарайди) акам ҳокимиятга кетганлар, бугунчалик кесманглар деб жонҳалак бўляяпти. Мен

бугун олиб кетишим керак! Мен ёғоч керак. Иш тўхтаб ётибди. Лафзингизда туринг энди, Қудратбой!

Қултой. (*Жовдираб*) Бунча қайсарлик қиласиз-а?!. Шуни кейинроқ (Лола томонга имлаб қўяди) ахир кўриб турибсиз-ку

Соли. (*Уларга бир - бир қараб*) Менга қизиги йўқ!

Лола. (*Қалтираган кўйи*) Кес... кес... кесмоқчимисизлар?

Қудрат нима деярини билмай Солига қаҳрли тикилади. Илжаяди.

Қудрат. Э-ей, йўқ! Ошнамиз шунчаки ваҳима қилаяпти. Бироз тоби қочган шекилли.

Қултой. (*Қудратнинг киноали гапидан куч олиб Солига ижирғаниб қарайди*) Томи кетганган ўхшайди.

Соли бир сапчиб тушади. Ғазаби баттар қўзийди. Ўзини тутолмайди. Қултойга ҳамла қилади. Қултой чап бериб қолади. Соли энди Қудратга юзланади.

Соли. (*Ўшиқириб*) Ахир пулини олдинг, манови оғзинг билан дараҳтларнинг ҳаммасини бугун кесиб олиб кетасан дединг. Ахир мен фабрикамга бугун ишчиларни ҳам айтиб қўйганман.

Қудрат. (*Ерга қараб нима деярини билмай, ижирғанади*) Бас қилсангчи...

Шу пайт Қултой анови тўнкадан ясалган қўлбола курсидаги финжонни олиб ичидагини даст кўтариб ичиб юборади. Қудрат унга қараб тош қотади. Буларнинг бу жанжали моҳиятини англаб қолган Лола Қудратга ачиниш билан қарайди. Сукунат... Сокин мусиқа берилади. Қултой энди турган жойида чайқала бошлайди. Гандираклаб юриб келади-да, Лоланинг ёнига келиб ғалати қилиқ қилиб, қийпанглайди. Унга тегажоқлиқ қилмоқчи бўлади. Қизнинг қошида қийшанглайди. Гандираклаб йиқилади ва шу зоҳати уйқуга кетади. Соли бу томошани кузатиб ҳангуманг бўлиб қолади. Лола эса тўнка курси устидаги финжонга тикилиб қолади ва ҳолатни хис қилиб, Қудратга ижирғаниб қарайди. Соли Қултойнинг тепасига келиб энгашади, тиззанлаб ўтириб оладида, уни турғизмоқчи бўлади.

Соли. (*Эсанкираб*) Ҳоййй, Сенга нима бўлди?.

Лола. (*Тўнкакурси устидаги финжонни қўлига олиб тикилади ва қўлида финжон тутуб Қудрат томон юра бошлайди. Титраб- ҳиққиллаб*) Бу... бунга нима қўшгандингиз? Мени... мени... (Финжонни ерга ташлайди-да, шарт бурилиб тўнкакурси ёнидаги қофозларини олиб) Мен Сизларни... одам деб ўйлабман... Қотиллар!!.. Иблислар!!.. Мана Сенларнинг асл башарангни одамлар кўриб қўйсин.

Лола шими чўнтагидан қўлтелефонини олиб, атрофни тасвирга ола бошлайди. Қудрат югириб бориб унинг қўлидан қўлтелефонини

тортиб олади-да, ерга ўриб, оёғи билан босиб, мажақлаб ташлайди. Сўнг Лолага яқинлаша бошлайди. Лола орқага тисланади. Лолани тутиб, бўйнидан буғиб олади. Лола ҳушидан кетиб йиқилади. Чўзилиб ётган Қултойни турғизмоқчи бўлаётган Соли Қудратнинг бу тажовузидан эсанкираб, ҳангуман бўлиб қолади. Ўрнидан туриб кетади.

Соли. (*Бақириб*) Нима қиласигас- а- а-а н-н-н?! Жинни бўлдингми?!

Қудрат. (*Унга ғазаб билан ўқраяди*) Ўчир овозингни. Қўй уни, Қултойга жин ҳам урмаган. Ўзига келади. Мановини кўтарайлик.

Соли. (*Қизнинг тенасига келиб*) Тирикми, ишқилиб? Нималар бўляяпти, бунчалар касофатсанлар-а?

Қудрат. Вахима қилма. Кўтар бир томонидан. Ёрдамлаш.

Соли. (*Анграйиб*) Нима қилмоқчисан?

Қудрат. (*У ёқ бу ёққа аланглаб*) Бу бизни гумдон қилади. Қутилишимиз керак. Сойга ташлаворамиз.

Соли. (*Бир сапчиб*) Нима-а-а-а-?! Тентакмисан?. Сен жиннисан!!!

Улар иккиси ҳам бир-бирига қараб қолишади. Сукунат. Ғамгин мусиқа янграйди.

Соли. (*Бош чайқаб*) Бундай қилма! Асло бундай қилма! Ўзингни бос... Менга ҳеч нарсанг керакмас. Касофат экансан, сен...

Соли саҳнадан чиқиб кетади. Шу маҳал машинанинг овози эшитилади. Саҳнага Мастура (унинг ҳозирги 45 -50 ёшлиги) отилиб киради. Ерда ётга қизига ва Қудратга қараб тахта бўлиб қолади. Қудрат уни кўриб караҳт ҳолга тушади. Ғамгин мусиқа янграйди. Қудрат турган ерида титрай бошлайди. Тиззалири қалтирайди.

Қудрат. (*Тамоман ўзини йўқотиб*) С... Се ... Сен... Mac... Мастура... С. Сен

Мастура. (*Унга қисқа ониятда нафрат билан бир қарайди-да, жонҳолатда қичқириб Лола томон отилади*) Қиз-и-и-и-и-м-м-м-м!!!

Мастура Лолани силкилай бошлайди. Қудрат ақли - ҳушидан айрилган каби Мастуранинг бу ҳолатига телбанома қараб туради. Мастура Лоланинг бошидан тутиб зор - қақшаб чинқиради. Лола ўзига келади, кўзини очади. Мастура унинг юз - кўзидан ўпаверади.

Лола. (*Иҳраб*) Ойи... Ойижон... Сиз... Сизмисиз?

Мастура. (*Йиглаб*). Мени кўрқитма болам. Жон болам, Сенга нима бўлди? Бу ёқларга келишинни сира истамагандим. Сенинг бу ерларни кўришингни истамаган эдим, болам.

Лола. Ойии. Ойижон. Яхши... Яхши ойиии

Мастура. (*Қудратга нафрат билан бир қараб қўяди-да, қизининг ўзига келганидан бироз ҳотижсам тортиб*) Кеча менга телефон орқали бу ердан

видеотасвирлар жўнатганинг ҳамона тинчим бўзилди. Эрталаб самолётга чиқиб учиб келдим.

Лола. (*Энди ўзига келиб, атрофга аланглайди. Қудратга кўзи тушиб титраб - қақшиайди ва кўз ёшлигини тўхтатолмайди*) Бу... бу ... одам қотил... Ойиии... Бу ифлос...

Мастура ҳам, Лола ҳам аянчли аҳволда қолган Қудрат қарашади.

Мастура. (*Қизининг бошини бағрига маҳкам босиб*) Ундан дема болам. У... У сенинг отанг бўлади. Отанг болам. (*Мастура уввос тортиб йиглаб юборади*)

Ғамгин мусиқа янграйди. Қудрат гандираклаб ўрнидан туроди. **Лола ойисига термулиб анграйиб туроди.** Қудрат юзларни қўли билан тўсади. Саҳнанинг ўрмон томондаги чети, жарлик томон ортга тисланиб юра бошлайди. Шу маҳал саҳнанинг бир бурчида ётган Қултой ҳам ўзига келади. Ортга тисланиб бораётган Қудратга хавотирланиб қарайди

Қултой. (*Қудратга ваҳима ила тикилиб*) Хўжайин... Хўжайин жарлик, орқангизда жарлик.

Қудрат ҳеч нарсани эшитмайдиган ҳолатда карахту лол. Мастура ва Лола ҳам ўрнидан туришади. Улар Қудратга қарашади. Бирдан саҳна қоронғу тортади. Қудратнинг аянчли чинқириғи эшитилади. Биз уни жарликдан пастга қулаб кетганини ҳис қиласиз.

Тез ёрдам машинасининг овози эшитилади.

САҲНА

Шифохона. Қудрат палатада оғир аҳволда. Ҳайдар ота унинг тепасига, қравот ёнига келади. Ўғлига қайғу ва ҳасрат билан қарайди. Беморнинг томирларига осма укол, оғзи бурнига эса кислород найчалари уланган.

Ҳайдар ота. (*Ғамгин, синиқ овозда*) Ўғлим, мана уч кундирки бир ўзинг ётибсан... Хотининг, икки ўғлинг дунёнинг бир чеккасидаги фирманг иши билан оввора, бунинг отини бизнес дейсанлар... Билмайман, шунча бойликни нима қиласанлар? Тўймаслик касали бу аслида. Қўша - қўша уй, беҳисоб фирма-ю заводларга эга бўлдтнг. Фақат буларни кўп нарса йўқотиш эвазига орттирдинг, болам. Гапимга қулоқ осмадинг. Хотининг, болаларинг ўша олисдан, тубканинг тубидан қачон етиб келишларини Худо билади. Афсус, атрофингдаги учарлар бирдан зим-зиё бўлиб йўқ бўлиб кетишиди. Улар пул ошнаси эдилар. Пул ошнаси кул ошна эканлигини тушуниб етмадинг. Қара, ҳаммаси қочди. Биттаси ҳам йўқ. Улар энди Сенинг тузалмаслигингни билишади. Сендан умидини узишган...

Ота ерга бош эгиб ҳиққилай бошлайди. Шу маҳал палатага эгнида оқ халат ташлаган **Мастура** кириб келади. Чол ўрнидан туриб унга умид билан жовдираб қарайди.

Ота. (*Титраб - қақшааб*) Ўғлим жонталаш ҳолда ётибди. Дўхтирлар тайёргарлигинизни кўринг, бир - икки қунлик умри қолди деяпти.

Мастура. (*Унга ғамгин қарайди*) Ота, бу ердаги шифокорлар билан гаплашдим. Чиндан беморни жойидан қимирлатиб бўлмайди. Вақт эса фанимат. Мен Тошкентга, ишхонамга ҳам қўнғироқ қилдим. Бу ердаги бош шифокор билан ҳам гаплашдим. Бундай пайтда иккиланиб ўтиришнинг кераги йўқ. Аввола Оллоҳдан шифо тилаймиз. Лекин, беморни ҳозироқ операция қилмасак бўлмайди. Юракнинг сўл қисми пастида нимадир, учкир нарса, худди оскољка каби қадалиб қолган. Дараҳт чўкири ҳам бўлиши мумкин. Фақат жарроҳлик учун розилик хати ёзиб берасиз. Олисдаги яқинларини кутолмаймиз.

Ота. (*Унга боқиб, изтироб билан кўз ёш тўқаверади*) Раҳмат қизим. Мен розиман. Боламни Сизга, Сизни Худога топширдим, қизим...

Мастура. (*Унга далда бериб*) Ота, мен шифокорман. Бемор олдида жавобгарман. Фақат Сиз ҳеч нарсани ўйлманг. Ҳозир ўғлингизни жарроҳлик хонасига олиб ўтамиз. Сиз энди уйингизга бораверсангиз ҳам бўлади. Дуо қилиб туринг.

Ота. (*Эсанкираб*) Йўқ, мен шу ерда, ҳовлида ўтираман. Уйга бороламанми, қизим. Икки дунёси вайрон одамнинг уйда хотиржам ўтириши мумкинми, жоним қизим. Энди бу ер юзида менинг уйим йўққа ўхшайди.

Ота Мастурага илтижоли боқиб, кўз ёшларини аритади. **Мастура** унинг қўлидан тутиб палатадан ташқарига олиб чиқиб кетади.

Шу тобда ҳалиги икки сайёралиқ пайдо бўлади. Улар жон талвасасида ётган Қурдатнинг тепасига келишади.

Биринчи ўзга сайёралиқ. Сўнгги нафасини олаяпти. Ҳаво этишмаяпти.

Иккинчи сайёралиқ. Сайёрабоши бизга Яратганинг изми билан ўпка йўлига нур юборишимизни тайинляяпти. Унинг ўпкасидаги томирларга қарғиши тиқилиб қолган.

Биринчи сайёралиқ. Ана қўрайпман. Айникса, анови шаҳид тут, бир замонлар танасига тўрт ўғлон боғлаб қўйилиб, отиб ташланган тутнинг қарғиши, кейин арча билан қарағай ва чинорнинг қарғиши тиқилиб ётибди. Эрталаб уни операция қилишади.

Иккинчи сайёралиқ. Барibir ўлади, жони узилади.

Биринчи сайёралиқ. Парвордигор изми билан унинг бўғзигача етиб келаётган қарғиши олиб ташлаш лозим. Дараҳтларни ёрдамга чақиришимиз, улар ўз қарғишларини қайтариб олишлари керак. Улар майли бунинг

тепасида ўз мунгли ва маҳзун қўшиқларини айтишсин. Дунёни дараҳтларнинг маҳзун қўшиқлари уйғотсин! Зора, бу ҳам шунда қайта уйғонса.

Иккинчи сайёралиқ. Чақир! Чақирсанг-чи, дараҳтларни! Ҳозир бунинг жони чиқиб кетаяпти-ку...

Биринчи сайёралалик фалакка қўл чўзади. Саҳнада чақмоқ чақиб момогулдурак гумбирлайди. Атроф ёришиб ўчади-да, мусиқа янграйди. Саҳнада энди спектаклимиз бошидаги рамзий дараҳтлар пайдо бўлишади - пластик ҳаракат бошланади. Яъни, тириклик рамзини ифодаловчи пластик рақс ижро этилади. Дараҳтлар рамзи бемор ётган кроват тепасига келишиб тирикликка чорлаш рақсини ижро қилишади. Шунга мос мусиқа – шамолларнинг увиллаши, дарёларнинг тошиб шарқираши, туркӣларнинг қадим бир маҳзун қўшиғи янграб туради. Пластик рақс тугагач саҳна ёришади. Беморнинг инграгани эшитила бошлайди.

Қудрат. (*Ётган жойида инграб*) Ҳав-о-о-о-о... Ҳа-а-в-о-о-о берингл-а-а-р-р... Ҳа-а-ав-о-о... Ҳав-о-о- о... Ҳа-в-о-о-о...

Осмонда яна бир бор чақмоқ чақиб саҳна қоронғулашади. Беморнинг тепасида уни операция қилишаётганини англаймиз. Суқунат ичра юракнинг дукури ё соатнинг уриб туриши қоришиқ ваҳимали мусиқа янраб турибди. Нимқоронғулик ичидаги уч-тўрт шифокор bemornинг тепасида туриб жарроҳлик амалиётини башаришайти. Уларнинг овозлари эшитилиб туради.

Биринчи овоз. Кон босими ошиб бораяпти.

Иккинчи овоз. Юрак уриши тўхтади

Мастуранинг овози. Кислородни кўпайтирган. Томирига укол юборинг. Кон қўйишни бошланг. Ҳаво босимини бироз пасайтирган. Ҳа, кислородни шу меъёрда ушлаб туринг. Кардиобелгини кузатинг.

Биринчи овоз. Тушди бироз пастга тушди.

Иккинчи овоз. Юрак уриши сезилаяпти.

Мастуранинг овози. Ҳавони кўпайтирган. Ўпка тўқималарини жонлантириш учун дори юборинг.

Биринчи овоз. Кон босими жойига тушаяпти.

Иккинчи овоз. Юраги ҳам ура бошлади.

Суқунат чўқади. Саҳна бир оз ним қоронғу бўлиб туради-да, ёришади.

Палата. Жарроҳликдан сўнг. Қудратнинг кравоти бошида унинг кон босимини ўлчаб, текшираётган Мастурани кўрамиз. Гамгин мусиқа янграйди. Мастура bemorgа мунгли қараб туради. Қўл томирига укол юборади. Шу чоғда саҳнага Ҳайдар ота кириб келади. У ўғлининг

тепасида турган Мастирага илтижоли боқади, юзида миннатдорлик түйғуси балқади.

Хайдар ота. (*Мунғайған күйи*) Қизим.... Ўғлимнинг аҳволи...

Мастура. (*Отага синчков назар ташлаб бир пас жим туради*) Яхши ота, хавотир олманг. Ҳаммаси ортда қолди. Худо хоҳласа яшайди.

Хайдар ота. (*Мастурага меҳр ва самимият билан боқиб*) Қизим, умрингиздан барака топинг. Тошкентдан Сизни бизга Худойимнинг ўзи юборди. Бу ердаги врачлар ҳам оғирликни зиммангизга олиб операцияга жазм этганинингизга тан беришяпти.

Мастура. (*Энди ўйчан*) Ҳа, ота Худойимнинг чеварлигига тан бермай иложимиз йўқ. Ҳеч нарса беҳуда рўй бермайди. Шунинг учун айтишади, Сен кўп куйинма, Худойимга солиб қўй, деб...

Ота. (*Ғамгин*) Тўғри айтасиз, қизим. Парвордигор ҳамма нарсани кўриб туради. Ўғлим бу ҳаётда қилган кўп ишларининг жавобини шу ҳаётнинг ўзида олди.

Мастура. (*Унга мунгли термулиб*) Шундай денг. (*Жим туради*). Ёмонликни ер кўтариб юраверади, деб ўйлаган-да, ўғлингиз, ота. Лекин... Лекин мен бу одамга ҳам, Сизга ҳам ҳеч қачон ёмонлик тиламаганман. Тиламайман ҳам.

Ота унинг бу гапларидан ҳангуманг бўлиб қолади. Мастуранинг юзига анграйиб қарайди. Улар бир - бирига термулиб қолишади. Сукунат. Лаҳзалик мусиқа янграб ўтади.

Ота. (*Таажжубда*) Қизим, бу нима деганингиз? Сиз нега бизга, менга ёмонлик тилашингиз керак, болам?!

Мастура. (*Ерга тикилиб, хўрсинади*) Эсингиздами, йигирма уч йил аввал мени останангиз олдидан қувиб солган эдингиз. Эсингиздан чиқдими, ота? Мен ўша Мастираман. Ўғлимнинг бошини айлантирма, бу ерлардан қорангни ўчир деб ҳайдаб юборгандингиз, ота! Мен ўғлингизга ишонгандим. У мени алдаб, бошимга қора кун солгач, ҳеч бўлмаса, Сизнинг раҳмингиз келар, Сиз болангизни йўлга соларсиз, деган умид билан останангизга бош уриб борган эдим. Чунки, ўғлингиз отам қарши бўлаяптилар, отамнинг юзидан ўтолмаяпман, деганди. Кейин тушуниб етсам, ўғлингиз учун менинг тақдирим сариқ чақага арзимас экан. Ана, яна бир бор танишиб олдиқ, ота. Бу жуда ҳам қайғули танишув бўлди.

Хайдар ота унинг гапларини эшитиб ҳангуманг бўлиб қолади. Мастирага минг бир азоб ўтида қоврилган кўйи қарайди-да, турган жойида титрай бошлайди. Мастирага қўлларини чўзади. Ерга тиззанлаб ўтириб олади. Аъзойи тани титраб, кўз ёшларини тиёлмай, йиғлаб гапира бошлайди... Ота аянчли алфозда титраб - қақашаб юзларини қўли билан тўсиб олади. Шу алфозда бир пас туради. Сукунат. Сўнгра

юзидан қўлларини олади-да, ерга қарайди. Мастуранинг юзига қарашга ботинолмайди.

Ота. (*Ҳамон ердан кўз узмай, дардли оҳангда иҳраб*). Қизим, Сени кўрган заҳотим кўксимда юрагимни нимадир узиб олгандай бир оғриқ сезгандим. Нега бундай бўлганини тушуммагандим, болам. (Ота энди манглайини ерга тираб аянчли ҳолда йиғлаб юборади) Кечир қизим! Мени кечир. Ўшанда қўзим кўр, қулоғим кар, мансабу довруғимга бошим айланиб, мақтовлардан ҳаволаниб кетганим ҳам чин. Мен одамларнинг мавқе мартабасига қараб муомулада бўлганимдан, кейинчалик оёғим узангидан узилгандагина билдим. Мартабанг кетгач, атрофингда ҳеч ким қолмаслигини ҳам сўнгра фаҳмлаганман қизим. Кимсан фалончи каттакон билан қуда бўламан, деган ўй шавқидан маст бўлганим ҳам чин. Лекин, буларнинг бари жуда майда ҳаваслар, одамийлик бошқа нарса эканлигини афсус, кеч тушуниб етдим қизим. Мени, кечир. Бугун мана ҳаммаси учун жавоб бераяпман.

Мастура. (*Отага раҳми келиб*) Мени кечиринг ота! Сизга тана – дашном қилидим, аслида ҳеч нарса демаслигим керак эди. Мен ҳам ўз тақдиримда борини кўрдим. Узр, ўзимни тутолмадим. Майли, ҳар ким ўз ҳаёт йўлини ўзи яшаб ўтади. Муҳими, ўғлингиз яшайди. Оиласи, Сизнинг баҳтиңгизга омон қолди.

Ота. (*Нолиб*) Оила дейсан, қизим. Мол дунёга ўчлик ҳирси одамнинг кўнгил қўзини ҳам кўр қилиб қўяркан. Ўғлимнинг оиласи ҳам омонат бир оила, қизим. Бир неварам Арабастонда, бири Европада яшайди. Деярли бу ерлардан ўзилиб кетганга ҳам ўҳшайдилар... Хотини ҳам хорижда. Ҳаммаси бизнеснинг изидан қувгани - қувган. Ўн йилга яқинлашди хотини билан бирга яшамайди. Худо кўрсатмасин, шу фалокат туфайли ўғлим ўлиб - нетиб қолганда, булар жанозасига ҳам етиб келишолмаскан. Мана ҳозир ҳам гоҳ мендан, гоҳ бош шифокордан телефон орқали соғлигини сўраб туришибди. Айт, шундай бўлгач, оилада оқибат устуни қулагач, бундай оилани оила деб бўладими, қизим? Балким, ўғлим оилада аёлига, болаларига меҳр кўрсатолмагани учун улардан ҳам шундай муносабат қайтаётгандир... Нимасини айтасан қизим, тўғри гапирдинг, ҳар ким ўз ҳаётини яшайди. Экканингни ўрасан деб шуни айтадилар... Буни ўз бошимдан ўтказиб турибман.

Ҳайдар ота мулзам ҳолатда ерга қараб қолади. Мастура унга яқинлашади-да, ўрнидан туришига кўмаклашмоқ учун қўлтиғидан тутади.

Мастура. (*Уни жойидан туришига ёрдамлашмоқчи бўлиб*) Туинг ота, туинг. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади.

Хайдар ота. (*Үрнидан тургач Мастуранинг юзига синовчан тикилиб*)
Болам, мени кечиргин... Тўри ҳам, гўри ҳам ёнган одамни кечир, болам. Сен энди шу ерда, шу шифохонада ишлайсанми?

Мастура. (*Боши иргаб*) Йўқ ота, зарур иш билан келгандим.

Хайдар ота. (*Хаёлига келган ўйдан юзи ёришиб*) Агар шу ерда ишлайман десант, жон болам, ана, ҳайҳотдай ҳовлим бор, бўш ётибди. Шуни Сенга бераман. (*Ўз - ўзидан завқланиб*) Бугуноқ Сенинг номингга хатлаб бераман. Майли, ишламасанг ҳам сенга бераман! Сен бунга арзисан болам. Хўп де. Шундай қилсам, елкамдаги оғир юқ, гуноҳларим камаяр эҳтимол. Хўп де, болам. Ана, Бош врач ҳам қанийди бизда ишласа, шундай зўр, таниқли дўхтири деб, Сени мақтади.

Мастура. (*Отанинг самимий муносабатидан бир оз кўнгли ёришади*)
Йўқ ота, қололмайман.

Шу пайт палатага эгнига оқ халат ташлаб олган Лола кириб келади. У бир ойисига, бир чолга маҳзун боқади. Уларга салом беради.

Лола. (*Ғамгин, қимтиниб*) Ассалому алайкум! Ойижон, келдим.
(*Бемор ётган кравотга қарайди*) Аҳволи яхшими? (*Ойисига тикилиб туради*)

Мастура. (*Ҳа маъносида боши иргайди*) Яшайди...

Лола. (*Бемор ётган кравотга маҳзун ҳолда яна бир бор қараб қўяди*)
Ойи, рухсат беринг, биз Тошбой муаллим билан Тоғчаманга бормоқчимиз.
Муаллим бутун мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларини оёққа турғазди.
Борсам, майлими? Ановилар дараҳтларни кесишацияптийкан.

Хайдар ота она - болага музтар, бир оз ҳайратланиб ва қизиқсиниб қарайди. Лолага тикилиб тураверади. Ортга тисланади. Бирдан Мастуранинг юзига ялт этиб қарайди.

Ота. (*Мастурага эсанкираган ҳолда қараб*) Қизим... Бу ... Сенинг .
менинг... (гапи оғзида қолади).

Мастура. (*У ҳам ҳаяжон ва титроққа тушган алфозда*) Ҳа, ота шундай! Бу Сизнинг набирангиз... Ҳа, шундай ота.

**Хайдар ота Лола томон энтиккан кўйи бир икки қадам ташлайди.
Лола ҳам қарахт ҳолда чолга юзланади. Уларнинг иккиси ҳам бир -
бирига тош қотиб қараб қолишади.**

Саҳна қоронғулашади.

САҲНА.

Тоғчман. Яна ўша гўзал манзара. Саҳнага энди Соли мебелчи ҳовлиқиб чиқиб келади. Унинг ортидан қўлида матоарра тутган Қултой пайдо бўлади. Шу тобда бульдозернинг гуриллаши ва мотоарранинг

тариллаши эшитилади. Саҳнанинг нарги томонида дарахтлар кесилаётгани, бу жойга хурож бошланганини ҳис қиласиз. Бир пасда ҳаммаёқ тинчиб қолади. Саҳнада турган Соли мебелчи Қултойга ажабланиб қарайди.

Соли. Нега тўхташди? Бор, билиб кел!

Қултой югириб саҳнадан чиқиб кетади. Соли мебелчи саҳнада қад ростлаган ўша йўғон тут дарахти ва чинорлар танасини завқланиб сийпаб қўяди. Уларга боқиб, нималарнидир чамалаб, завқланади ўзича. Шу пайт саҳнага Қултой учиб чиқади. Нафаси бўғзига тиқилиб ҳансирайди.

Соли. (*Ҳадик билан*) Нима гап? Нега тўхташибди.

Қултой. (*Шошиб – пишиб*) Расво. Ҳамма нарса расво бўлди. Экология ҳам хабар топган. Экологиядан одам келибди.

Соли. (*Ранги – қути учиб*). Экология дейсанми? У ерга янги раҳбар келган, биламан. Ҳеч кимнинг йўриғига юрмайди. Жуда қаттиққўл, дов – дарахтни одамдай азиз деб биладиганлар хилидан. Чиндан расво бўлибди ишимиз...

Қултой. Бунинг устига анови бор-ку, тентак, Тошбой муаллим, сонсаноқсиз чулдирвоқилар билан ўзига ўхшаган муаллимларни, бир грух телевизорчи ва блогерми балогирми, журналистми, ишқилиб, шуларни бошлаб келибди. Тасвирга олиб ётишибди. Иш бошқарувчингиз ҳам жуфтакни ростлаб қолибди. Бунинг устига тоғқишлоқдаги Сув омбори ҳам ўпирилиб кетибди, пастдаги сойдан сел тошиб, йўлларни ҳам бўзиб кетаяпти. Фалокат деб шуни айтадилар-да.

Соли. (*Унга қичқиради*) Фалокат деб Сени, анови, қилғилукни қилиб қўйиб, энди касалхонада жонталаш бўлиб ётган Қудратни айтишади. Нега бўзирайсан?! Ўзинг кес, ановиларни ўзинг кесавер. Ол аррани, қўлингга ол! (*Соли саҳнада кўриниб турган дарахтларга ишора қиласи*) Фақат Сенлар мени талашдан бошқа нарсага ярамайсан, ярамаслар! Олган пулларингни ҳалоллаб енглар, олғирлар! Пастга ўзим тушаман, нима бўлса бўлди, экологияга ўзим тушунтираман. Мен тадбиркорман. Бу дов – дарахтларни сотиб олганман. Улардан мебель ясайман. Бунинг нимаси ёмон? Қонун фақат шу дарахтларнинг ҳимояси учун ишлайдими? Биз тадбиркорларга-чи, бизни қонун ҳимоя қилмайдими? Нега анграясан, аррани ол, кесавер, дедимку!

Доимо буйруқقا ва топшириқقا кўнишиб қолган Қултой ерда ётган мотоаррани тариллатиб саҳнадаги кекса тут танасига яқинлашади. Соли эса шовқин - сурон кўтарилигандайхонлик, дарахтлар кесилаётган пастликка тушиш учун саҳнадан чиқиб кетмоқчи бўлганда, ўша тарафдан Тошбой муаллим чопиб чиқади ва тут танасига арра

тишларини ботиришга чоғланган Қултой томон шаҳду ғазаб билан отилади. Югириб бориб унинг йўлини тўсади. Қултой мотоаррани Тошбойнинг танасига яқинлаштириб, қўрқитмоқчи бўлади. Тошбой тут тансига елкасини тираб, Қултойнинг йўлига ғов бўлади.

Қултой. (*Жаҳл билан*) Қоч, йўқол. Жонга тегдинг ярамас. Ҳозир ўзингни иккига бўлиб ташлайман.

Тошбой муаллим жойида қимиrlамай турди.

Тошбой. (*Ҳансираған алфозда*) Сенларни қамашади. Яхшиси, арангни ташлаб уйингта кет. Ана, экология ходими баённома тузаяпти. Прокуратурага ҳам хабар берди. Бу ерда дараҳт тугул унинг бирор шохини ҳам кесолмайсанлар! Мен кеча вилоят ҳокимининг ҳам ҳузирида бўлдим. Тамом, ўйинларинг тугади.

Соли мебелчи уларнинг даҳанаки жангига ижирганиб қараб турди-да, Тошбой ва Қултойнинг ёнига яқинлашади.

Соли. (*Тошбойга ижирганиб қараб*) Менга қара, тентак! Сен манави дов-дараҳтни итдай қўригунча мактабингга бориб болалингга таълим берсанг-чи. Ўзингни ишинг қолиб, нега бу ерлада сандирақлаб юрибсан?! Сен дараҳтга қоровулмисан ё муаллимисан?

Тошбой. (*Унга ачиниб қараб*) Мен шу дараҳтларни ҳимоя қилаётганимнинг ўзи ҳам сабоқ. Бугун бундан муҳим сабоқ йўқ мен учун. Тошкентдаги дараҳтларни қириб тугатдинглар, водийни ялонгочлаб бўлдинглар, энди тоғ олди ўрмонларига ҳам ҳужум қиласанларми? Сенлар фақат ҳозирни, шу бугунни ўйлайсан. Эрта билан ишинг йўқ. Юртнинг куйиб жизғанаги чиқиши билан ишинг йўқ. Юртнинг тепасидан чанг ёғиб, заҳар қоплаши билан ишинг йўқ. Тўзону заққум ичра қанчалаб болалар, гўдаклар ўлиб кетаяпти, ишинг йўқ! Дараҳтларни кесиш одам ўлдириш билан баробар аслида. Қотиллик билан баробар!

Қултой. (*Кўрқиб кетиб*) И-е-е-е, нималар деяпсан?

Соли. (*Илжайиб*) Томинг тешилиб, ўша ўйифидан ақлинг оқиб кетганга ўхшайди, Сен гарангнинг....(хохолаб қулади)

Тошбой. Сенинг, сенларнинг эса бошингда шу томинг ҳам йўқ. Томсиз бошни кўтариб юрибсан.

Соли. (*Унга яқинлашиб*) Ўчир овозингни! Ҳозир жағингни синдириб ташлайман.

Қултой. Бу тентак дараҳтни авлиё деб билади. Бу билан адид - бади айтиб ўтиришнинг фойдаси йўқ.

Тошбой Унга ачиниб қарайди-да саҳна ўртасига юра бошлайди.
Афсус надомат билан томошибинларга юзланади ва худди ўз - ўзига манолог айтган каби ўқинч билан сўзлай бошлайди:

Тошбойнинг монологи:

Дараҳтлар авлиё бўлмасалар ҳам айрим одамлардан кўра бу ҳаётга, тирикликка қўпроқ фойдаси тегиши аниқ. Баъзилар шу дараҳтчалик бўлолмайдилар. Осмони суюб, ерни ушлаб турган куч дараҳтлар эканлигини биласизми, одамлар? Дараҳтларни улуғлайдиган юртларда жуда баланд, осмонўпар биноларнинг тепаси, томлари, катта – катта заллари, балконларида ҳам ўлкан - ўлкан тувакларда дараҳтлар ўсади. Мармар йўлакларда ҳам ҳар бири уйдай келадиган туваклар ичида бўйи осмонга ўрлаган, танасига инсон қулочи етмайдиган дараҳтлар ўсади. Ҳа, ер тугул биноларнинг устида ҳам дараҳт ўстиришади. Биласизми, айрим давлатларда кесилган дараҳтнинг танаси кўчада ағнаб ётса, бу жуда ҳам аянчли саналади. Худди Инсоннинг мурдаси кўчада ётган билан қиёсланади бу. Бизда-чи, бизда... Бизда эса, пул топиб қалбини ва одамийлигини йўқотган, бу синовли дунёнинг имтиҳонларидан ўтолмаган баднафс, очкўзлар мановилар каби (кўлини Соли билан Култойга ишора қиласди) жаннати еримизда ўсаётган тириклик томирини кесиш билан овворадирлар. Энди буларга бепарво қараб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шу заминни севган, Ўзбекистондан ташқарида Ўзбекистон йўқ деб фикрлайдиган, бу ердаги ҳар бир дараҳт менинг бошпанам, менинг бешигим, куним битганда менинг тобутим, деб ҳис қилган ҳар бир одам бугун жипслashiши керак. Орtingдан боғ қолсин, доғ қолмасин, деган гап беҳуда айтилмаган халқимизда. Бугун шахсан Давлат раҳбари, Президентнинг ўзи ҳаммага намуна бўлиб кўчат экиб, мамлакат бўйлаб Яшил Макон марафони, саъй – ҳарақатини бошлаб берди. Бу бекорга эмас! Бу бу дунёга келиб бир дона ҳам кўчат экмаган одамларга сабоқ бўлади. Бизнинг орамизда ҳам бир донағина бўлса-да, кўчат экмай бу ҳаётдан ўтаётган одамлар йўқ деб ўйлайсизми? Ўзини улғайтирган бешикнинг, нарги дунёга олиб кетадиган тобутнинг ҳаққини оқлай олмай дунёдан ўтадиган нодонлар бор... Ўзи бир дона ҳам ниҳол қадамай, қанчалаб дараҳтларни кесиб юбораётган кazzоблар кам дейсизми? Ўзини севган, келажагини ўйлаган юртларда дараҳтларга ҳайкал тикланади. Дараҳтлар танасига медал осишади, ҳар тонгда одамлар дараҳтларнинг танасини қучиб улардан куч-қувват олишади, дараҳтларга салом беришади .Дараҳтларга ташаккур айтишади. Сизлар буни тасавур ҳам қилолмайсизлар. Дараҳтлар Сизларнинг гапингизни эшитадилар. Сизларнинг тилингизни тушунадилар, дараҳтлар дунёдаги барча миллатлар тилини тушунмаймиз. Дараҳтлар тугул ҳатто бир - биримизни тушунмаймиз, бир -биримизнинг гапимизни эшитмаймиз. Биз шу ахволга келдик, яна одамийлик даъво қиласиз, одамлар... Кесманглар! Дараҳтларни кесманглар! Ахир Сиз ўз келажагингиз танасига болта ўрайпсиз одамлар.

Дарахтлар ҳам болаларга ўхшайди билсангиз... Леки нСиз буни билмайсиз, тушунмайсиз, одамлар! Эссиз... Эссизз... Тушунмаймиз...

Соли билан Қултой унинг гаплариға анграйиб қараб турадилар. Ғамгин мусика янграяпти. Мусика тугайди. Сайҳонлик томонда автобусларнинг гуриллаб тўхтагани, болаларнинг шовқини эшитилади. Радиокарнай жаранглайди.

Болалар, эҳтиёт бўлинглар. Битта – биттадан туриволинглар! Радиокарнайдаги овоз.

Шу пайт саҳнага Лола югириб чиқади. Тошбой муаллим уни кўриб хурсанд бўлади.

Лола. (*Унга ҳайриҳоҳлик билан термулиб*) Устоз, хавотир олманг. Бутун мактабингиз, барча ўқитувчи ва ўқувчилар шу ерга, Сизни қўллаб - қувватлагани етиб келишди.

Лола унга маъноли қарайди-да, ҳалиги тут танасини елкаси билан тўсиб, буларга кесишга йўл қўймайман, деган маънода кўксини қалқон қилиб туради. Саҳнага Мастура ҳам кириб келади. У “Мастура” деб ёзилган ўша чинор ёнига келади. Чинор танасига елкасини тираб, у ҳам кўксини қалқон қиласиди. Энди саҳнага Ҳайдар ота чиқади. У Соли билан Қултойга ғазабланиб бир қараб қўяди-да, ўртадаги дарахт танасига елка босиб, у ҳам дарахтга кўксини қалқон этади. Тошбой муаллим уларни кўриб қаддини тутади, жилмаяди, жилмайган ҳолда йиғлай бошлайди. Шу маҳал пастликдаги дарахтзордан болаларнинг овозлари жаранглай бошлайди.

Биринчи бола овози: Муаллим, хавотир олманг. Биз шу ердамиз

Иккинчи бола овози: Муаллим, мен мана, катта чинорни ҳимоя қилиб турибман.

Учинчи овоз: (*Қизболанинг овози*) Муаллим, мен оқ теракни ҳимоя қилиб турибман.

Тўртинчи овоз: Мен арчани танладим. Уни ҳеч ким кесолмайди.

Бешинчи овоз: (*Қиз боланинг овози*). Муаллим, мен улк-а-а-а-а-н-н-н қарагай қаршисидаман

Олтинчи овоз: Муаллим, биз ҳаммамиз ёнингиздамиз!

Еттинчи овоз: Муаллим, биз – ўнинчи синфимиз ўқувчилар барча дарахтлар танасига юртимиз байроғини илиб чиқаяпмиз. Энди уларни ҳеч ким кесолмайди.

Саккизинчи овоз: Муаллим, ахир ўзингиз айтгансиз-ку, дарахтлар Ватаннинг байроқлари деб.

Барча овоз жамланиб: Дарахтлар Ватаннинг байроқлариидир! Дарахтлар Ватаннинг байроқлариидир!

Тошбой муаллим анграйиб тураверади. Күтаринки рухдаги мусиқа янграйди. Қултой қўлидаги аррани ерга ташлаб, қўл силкийди-да, саҳнадан чиқиб кетади. Соли ҳам дараҳтларни тўсиб , ҳимоя қилиб турган Лола, Мастура ва Ҳайдар отага, сўнгра Тошбой муаллимга алам билан қарайди-да, саҳнадан чиқиб кетади.

Саҳна бир ёришиб мамоқалдироқ борлиқни тутади. Чакмоқ чақади.

Пластика. Саҳнада яна омон қолган дараҳтларнинг тирикликка ҳамду саноси ифодаланган пластик рақс намойиш этилади.

ТАМОМ .

5.01. 2025.й